

АБДУЛЛА
ОЛИМЖОН
АДАБИЁТНИ
СЕВИБ

УЛУҒ ВАТАН УРУШИ ДАВРИДА ЎЗБЕК СОВЕТ АДАБИЁТИ

(1941—1945 йиллар)

1941 йилнинг 22 июнь куни гитлерчи фашистлар ўзаро ҳужум қилишмаслик ҳақидаги 1939 йилги аҳдни бузиб, Совет Иттифоқига ёвузларча бостириб кирдилар. СССР халқлари Совет Иттифоқи Коммунистлар партияси раҳбарлигида гитлерчилар армиясига қарши Ватан мудофаасига отландилар.

Социалистик Ватанни ҳимоя қилиш учун олиб борилган бу адолатли Улуғ Ватан урушида умумхалқ қатнашди. Фашистлар Германиясига қарши олиб борилган уруш бутун совет халқининг мамлакат мудофааси учун олиб борган буюк озодлик кураши эди.

Совет халқининг бу ватанпарварлик, адолатли уруши совет социалистик ижтимоий ва давлат тузумининг энг ҳаётий тузум эканлигини, унинг капиталистик тузумдан афзаллигини, Коммунистик партия сиёсатининг тўғрилигини, Совет Иттифоқи халқларининг бирдамлигини ва уларнинг марксизм-ленинизм байроғи атрофига маҳкам жипслашганлигини кўрсатди.

Улуғ Ватан уруши даврининг биринчи кунларидан бошлабоқ совет кишилари фронтни керакли ҳамма яроғ-аслаҳа, озиқ-овқат билан узлуксиз таъминлаб туриш учун меҳнат ғайратини янада оширдилар. Бу эса, халқнинг жонажон партия, она-Ватан чақириғига энг яхши ватанпарварлик жавоби эди. Улуғ Ватан уруши шароитида халқ ва давлат манфаатлари қўшилиб, бир бутунликни ташкил этгани яққол кўринди. СССРдаги ҳамма миллатларнинг маънавий-сиёсий бирлиги, совет ватанпарварлиги ва ажралмас, мустаҳкам дўстлиги совет

социалистик жамиятини ривожлантирувчи, ҳаракатга келтирувчи кучлар эканлиги бутун дунёга яна бир марта намойиш қилинди. Фронт билан мамлакат ичкарисидаги миллион-миллион кишилар ўртасидаги мустаҳкам алоқа ҳам ғалабага бўлган ишончни оширди.

«Ҳамма нарса фронт учун, ҳамма нарса ғалаба учун» шиори партия томонидан майдонга ташланди ва совет кишиларининг кундалик ҳаётий иш программасига айланди.

Коммунистик партия ёзувчилар олдига ҳам муҳим вазифалар қўйди, санъаткорларни ҳаққоний бадиий асарлар яратиш орқали совет жангчилари ва меҳнат кишиларини ғалабага илҳомлантиришга, адолатли умумхалқ кураши ғоясини пропаганда қилишга чақирди. Дунёда энг илғор ва энг ғоявий адабиёт бўлган кўп миллатли совет адабиёти бу улуғ вазифаларни сидқидил билан бажаришга киришди ва шараф билан бажарди.

Тўрт йиллик уруш даври социалистик реализм адабиёти — совет адабиёти тарихида янги бир босқични ташкил этади. Умумсовет адабиёти, унинг ажралмас қисми бўлган ўзбек совет адабиёти жиддий синовдан шараф билан ўтди.

Совет адабиёти ўзининг партиявий адабиёт эканлигини, мамлакат ҳаёти билан, халқ билан жипс боғлиқлигини, социалистик тузумнинг барқарорлигини акс эттирувчи адабиёт эканлигини, қаҳрамонона меҳнат ғоясини куйловчи ва коллектив билан шахснинг ажралмас бирлигини тасвирловчи ўткир идеологик қуроллигини янада ёрқин кўрсатди. Бу даврда замонамизнинг ижобий қаҳрамони — жангда ва меҳнатда фидокор киши, Коммунистик партия ва Совет давлати тарбиялаб етиштирган янги одам образи совет адабиётининг диққат марказида турди.

Совет ёзувчилари миллион-миллион кишиларга намуна бўларли воқеаларни тасвирлаш орқали халқни қаҳрамонлик ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашда партия ва ҳукуматга ёрдам бердилар. Улар кечагина тинч ижодий меҳнат билан шуғулланган кишиларнинг хавфли душманни енга олиш санъатини қандай эгаллаб борганликларини бадиий адабиётда кўрсата олдилар. Совет адабиётида Москва, Сталинград, Ленинграднинг мардонавор мудофааси, Севастополь ва Одессанинг қаҳрамонона ҳимояси, Совет Армиясининг Европани фашизмдан озод қилиш учун тарихий юришлари, Берлинни штурм қилиб, душманни тор-мор қилиши ва бошқа минглаб қаҳрамонлик хатти-ҳаракатлари ўзларининг бадиий ифодасини топди.

Совет адабиётида фашист босқинчилар идеологиясининг ярамаслиги, чиркинлиги фош этилиши билан бирга, совет кишисининг маънавий-ахлоқий юксаклиги ва афзаллиги пафос билан тасвирланди.

Мингдан ортиқ совет ёзувчилари (СССР Совет Ёзувчилари Союзи аъзоларининг учдан биридан кўпроғи) кўнгилли равишда Совет Армияси сафига келиб қўшилдилар ва душманга қарши жангларда актив қатнашдилар. Уруш мобайнида беш юзтача ёзувчи СССРнинг орден ва медаллари билан мукофотланди.

Бутун совет адабиёти учун характерли бўлган бу умумий хусусиятлар ўзбек совет адабиётига ҳам тааллуқлидир. Улуғ Ватан уруши даврида ўзбек совет адабиёти ҳам социалистик реализм позицияларида янада мустаҳкамланди.

Уруш даврининг талабига мувофиқ, ёзувчилар фронтларда ва мамлакат ичкарисидаги сиёсий-тарбиявий, оммавий, жанговар ишларда актив қатнашдилар. Улар фронт газеталари ташкил этиш, жанговар варақалар чиқариш ҳамда брошюралар ёзиш ишига ҳисса қўшдилар. Совет санъаткорлари «Окно ТАСС», жумладан «ЎзТАГ—ТАСС ойнаси» орқали агитация-пропаганда олиб бориш, сатирик шеърлар ёзиш ва плакатлар чиқаришда иштирок этдилар, агитбригадаларда ишладилар. Шунингдек, улар республика, область газеталарида ҳамда фронт матбуоти редакцияларида ишладилар, мухбирлик қилдилар.

Ўзбек совет ёзувчиларининг ҳам бир қисми мамлакат ичкарисида, иккинчи бир катта гуруҳи фронтда қалам ва қурол билан улуғ курашга иштирок этди. Улуғ Ватан уруши фронтларида ва ҳарбий қисмларда Султон Жўра, Шароф Рашидов, Мамарасул Бобоев, Парда Турсун, Назир Сафаров, Зиннат Фатхуллин, Зоҳиджон Обидов, Ҳасан Саид, Илёс Муслим, Маъруф Ҳаким, Мумтоз Муҳамедов, Адҳам Раҳмат, Иброҳим Раҳим, Мирзакалон Исмоилий, Шуҳрат ва Назармат Эгамназаров каби ўттиздан ортиқ ёзувчилар хизмат қилдилар.

Уруш вақти шароитининг оғир бўлишига қарамай, ўзбек адабиёти тараққиётда давом этди. Совет халқи-

нинг Улуғ Ватан уруши йилларидаги маънавий-сиёсий бирлиги, халқлар дўстлиги ва Совет Армияси жангчиларининг ажойиб қаҳрамонликларини, мамлакат ичкарисининг, шу жумладан, социалистик Ўзбекистоннинг фронтга кўплаб қурол-аслаҳа, кийим-кечак, озиқ-овқат етказиб беришини акс эттирувчи бадиий асарлар кўплаб ижод этилди. Ўзбек совет ёзувчиларининг шеърлар, ҳикоялар тўплами деярли ҳар йили нашр этилиб турди. Ўзбек тилида «Улим ёвга» (1941), «Ватан учун» (1941), «Мард ўғил» (1942), «Шонли Ленинград» (1942), «Ўзбеклар» (1943), «Ватан чақириғига жавоб» (1943), «Ғазаб қўшиқлари» (1943), «Армугон» (1944), «Ватан жонбозларига» (1944), «Қасам» (1944) каби коллектив адабий-бадиий тўпламлар босилиб чиқди. 1947 йилда Ўзбекистон Ёзувчилар союзи нашр эттирган «Шонли саҳифалар» китобида фронтдан қайтган бир гуруҳ ўзбек ёзувчиларининг асарлари эълон қилинди. Бу бадиий-адабий тўпламларда атоқли рус совет ёзувчилари ва бошқа қардош халқлар санъаткорларининг энг яхши асарлари ҳам бор эди. Масалан, Илья Эренбургнинг «Ўзбеклар», В. Васильевскаянинг «Ленин ордени», «Истеҳкомни забт этган қаҳрамон», Леонид Первомайскийнинг «Қардошлик» («Ўзбеклар» тўпламида), Корней Чуковскийнинг «Ленинград дўстлари» каби публицистик асарларини («Шонли Ленинград» тўпламида) ўзбек китобхонлари севиб ўқидилар. Украиналик шоир Микола Терешенконинг «Сўз ва шон» (ўзбек тилида, 1944), «Ташкентская тетрадь» (рус тилида, 1945) шеърлари, уруш даврида Ўзбекистонда яшаган ва ижод этган Павло Тичина, Микола Бажан, Леонид Первомайский, Андрей Малишко каби ёзувчиларининг шеърлари киритилган «Ғазабли Украина» (ўзбек тилида, 1944) тўпламлари нашр этилди. Белоруссия, Латвия, Литва ва Эстония ёзувчиларининг ўзбек тилида нашр этилган асарлари, ўзбек ёзувчиларининг рус тилида босилиб чиққан асарлари киритилган «Поэты Узбекистана» («Ўзбекистон шоирлари») тўпламлари ҳам шулар жумласидандир.

Улуғ Ватан уруши даврида Ўзбекистонда қардош халқларнинг адабиёти ҳам эркин ўсиб, юксалди. Эвакуация билан Ўзбекистонга келиб қолган украин ва белорус адабиётчилари, ёзувчилари, санъаткорлари бу ерда яшаб, ўз миллий адабиётлари ва санъатларини тараққий эттирдилар, ёвуз душманга қарши курашаётган халқнинг қаҳрамонлигини, ҳис-туйғуларини бадиий образларда кенг ифодалаб бериш имкониятига эга бўлдилар. Улар ўзларининг ғалабага бўлган зўр ишончларини, халқлар дўстлигини, ўзбек халқининг бошқа қардош халқларни жон-дили билан кутиб олганлигини тасвирладилар.

Бу умумий адабий ҳодиса уруш даврида Ўзбекистонда яшаб ижод этган машҳур рус совет ёзувчилари учун ҳам тааллуқлидир. Рус совет ижодкорлари — адабиётшунос олимларининг Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасида истиқомат қилиб, фронт ва мамлакат ички ҳаёти тўғрисида ажойиб асарлар яратганликларини алоҳида қайд қилиб ўтиш зарур. Улар мамлакат ичкарисининг фронтга ёрдамини бадиий равишда кўрсатганларида ўзлари яшаётган миллий республикалардаги аҳолининг ватанпарварлигини зўр ғурур билан қардошлик руҳида тасвирладилар. Шундай қилиб, Улуғ Ватан уруши даврида Ўзбекистонда ўзбек совет адабиёти билан бир қаторда рус, украин ва белорус халқларининг адабиёти ҳам юксала борди. Бунга украин шоирларининг Тошкентда нашр этилган кўпгина китоблари — Алексей Толстой, Николай Погодин асарларини, атоқли белорус ёзувчиси Якуб Коласнинг «Ўзбекистон», «Учувчи қўшиғи» каби шеърларини ва бошқа ўнлаб мисолларни кўрсатиш мумкин. Бу шеърлар Ўзбекистон ва унинг мард жангчилари ҳақида ёзилган.

Қардош ёзувчиларнинг кўп асарларини Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Ойбек, Уйғун, Шайхзода, Зулфия, Ҳамид Ғулом, Миртемир ва бошқа ёзувчилар ўзбек тилига таржима қилганлар.

Бу адабий-бадиий ҳужжатларда кўп миллатли совет ёзувчилари адабиётининг ўзаро ижодий ҳамкорлиги, рус ва бошқа қардош халқлар совет адабиётининг Улуғ Ватан уруши давридаги ўзбек адабиётига баракали таъсири ва ўзбек адабиётининг уларга таъсири яққол кўринади. Улуғ Ватан уруши йилларида СССР халқлари ўртасидаги ажралмас дўстликнинг тобора мустаҳкамланиб бораётганлиги, Совет Ўзбекистонининг фронт учун, ғалаба учун ажойиб ҳисса қўшаётганлиги ўзбек, рус, украин, белорус ва бошқа қардош халқлар санъаткорлари ижодида ўзининг аксини топди.

Ўзбек халқи ҳам бошқа қардош халқлар билан бир

қаторда туриб, фронтга, Совет Армиясига мадад берди, ғалабани тезлатиш учун тинмай меҳнат қилди: «Фашистлар Германиясига қарши Совет Иттифоқи томонидан олиб борилаётган Ватан урушида Ўзбекистон меҳнаткашлари ўз Совет Ватанига буюк садоқатини кўрсатдилар,—дейилади ССР Иттифоқи Халқ Комиссарлари Совети ва ВКП(б) Марказий Комитети томонидан республиканинг 20 йиллиги юбилейига юборилган табрикда,—ўзбек халқининг фарзандлари Ватан уруши фронтларида Совет давлатининг шон-шарафи ва мустақиллиги учун мардларча жанг қилмоқдалар. Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг ишчилари, колхозчилари ва интеллигенцияси фронтга ёрдам бериш учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар»[1].

Улуг Ватан уруши давридаги ўзбек совет адабиёти бутун совет халқининг ва айниқса Ўзбекистон ишчилари, колхозчилари ва интеллигенциясининг ўз Совет Ватанига кўрсатган буюк садоқатини, меҳнатини акс эттиришдек шарафли бурчини бажарди.

Коммунистик партия Марказий Комитети ва иттифоқчи республикалар Коммунистик партия Марказий Комитетлари идеология соҳасига, шу жумладан, бадиий адабиётнинг янада юксалишига доимо раҳбарлик қилиб турдилар.

Партия Марказий Комитетининг органи «Правда» газетасида совет ёзувчиларининг энг яхши асарларидан намуналар берилиши, жумладан, А. Корнейчукнинг «Фронт» пьесаси ҳақида махсус редакцион мақоланинг босилиши ҳамда «Совет санъати доимо тирик» (1942), «Кино санъатида ғоявийлик ҳақида» (1943) каби бош мақолаларнинг босилиши орқали совет ёзувчиларининг уруш давридаги вазифалари қайд қилинди.

Коммунистик партия уруш даврида ҳам адабиётда чуқур партиявийлик, ҳаққонийлик принципини сақлашни талаб қилди. «Правда» газетаси А. Корнейчукнинг асарига бағишланган мақоласида: «Драматург асарининг кучи, аҳамияти унда ҳаққонийликнинг бадиий образларда берилишидир»[2] деб таъкидлаб кўрсатган эди.

Совет ёзувчилари ҳар вақтдагидек, Коммунистик партия кўрсатмаларини ўзларига дастур деб тушундилар ва

[1] «Қизил Ўзбекистон» газетаси, 1944 йил, 24 декабрь.
[2] О пьесе Александра Корнейчука «Фронт». «Правда», 29 сентябрь, 1942 г.

ларни амалга ошириш йўлларини ахтардилар. Ватан уруши йилларида ССР Ёзувчилар Союзи ва иттифоқчи республикалар ёзувчилар союзларининг бир неча пленумлари бўлиб ўтди, уларда партия томонидан адабиёт олдига қўйилган муҳим вазифалар муҳокама қилинди. Урушнинг қийинчиликларига қарамай, 1944 йил февралида Ватанимизнинг пойтахти Москвада ССР ёзувчиларининг IX пленуми, 1945 йил февралида эса X пленуми чақирилди. Пленумлардан аввал (1943 йилнинг октябрида) тарихий романлар ҳақида кенг муҳокама уюштирилган эди. 1942 йил декабрь ойида Ўзбекистон Совет ёзувчилари союзининг пленуми чақирилди. Пленумда «Чорак аср ичида совет адабиёти» (докладчи И. Лежнев), «25 йил ичида ўзбек совет адабиёти» (докладчи Ҳ. Олимжон), «Ўзбек халқ достонлари» (докладчи проф. В. Жирмунский), «Рус совет драматургияси» (докладчи проф. В. Волкопиштейн), «Ўзбек совет драматургияси» (докладчи И. Султонов), «Белорус адабиёти» (докладчи Я. Колас), «Совет адабиётида ватанпарварлик темаси» (докладчи проф. М. Нечкина) каби докладлар тингланди ва муҳокама қилинди. Шунингдек, пленумда К. Зелинский совет адабиёти ҳақида, К. Чуковский болалар адабиёти тўғрисида қўшимча докладлар қилдилар.

Совет жамоатчилиги уруш даврининг қийинчиликларига қарамай М. Горький, В. Маяковский, А. Пушкин, М. Лермонтов, И. Тургенев, Н. Гоголь, М. Ломоносов, А. Чехов, И. Крилов, А. Грибоедов, А. Герцен, Низомий Ганжавий, Алишер Навоий, Қаюм Носирий ва бошқа классик санъаткорларининг юбилейларини нишонлаб ўтди.

1943 йилнинг декабрида Москвада ўзбек совет адабиётининг декадаси бўлиб ўтди. Бу эса партия ва ҳукуматимизнинг энг оғир йилларда—уруш даврида ҳам миллий республикалардаги адабиётга зўр ғамхўрлик қилганини кўрсатувчи яна бир ажойиб далилдир.

Ватан уруши йилларида совет адабиёти ўзининг жанговарлик хусусиятини ошира борди, халқ, давлат ва Ватан манфаатларидан бошқа манфаати йўқ эканлигини кўрсатди.

Умумсовет адабиётида, жумладан, ўзбек совет адабиётида замоннинг руҳи, конкрет тарихий шароит тўла ҳаққоний акс этди. Ўзбек совет адабиётида ҳам, худди бошқа қардош халқлар адабиётидагидек, сафарбарлик ва фронтга кузатиш, жанг майдонларидаги қаҳрамонлик,

ривожланиб бораётган совет ватанпарварлиги ва гуманизми, меҳнат соҳасидаги фидокорлик, ғалабага ишонч ва халқлар дўстлиги темалари етакчи роль ўйнади. Адабиётда мудофаа ва душманга аёвсиз зарба, фронтга ёрдам тематикаси асосий ўринни эгаллади.

Ўзбек совет адабиётида замонавий темалардаги асарлар билан бир қаторда, тарихий темаларда ҳам йирик асарлар ёзилди. Бу турдаги асарларда халқнинг қаҳрамонона ўтмиши, ватанпарварлик традициялари тасвирлаб берилди. Ота-боболарнинг озодлик ва адолат учун олиб борган қаҳрамонлик курашларини кўрсатиш воситасида гитлерчи босқинчиларга қарши жанг қилаётган, фронт манфаатлари учун ишлаётган халқни, айниқса совет ёшларини Ватанга садоқат руҳида тарбиялашдек муҳим вазифа юзага келди.

Урушнинг дастлабки давридаги ялпи сафарбарлик руҳи адабиётда, айниқса поэзияда ва публицистикада кенг ифодаланади. Ўзбек совет шоирлари партия ва ҳукуматнинг халққа қилган мурожаатига ҳозиржавоб бўлувчи асарлар билан майдонга чиқдилар. Ойбекнинг «Ёвга ўлим», Ҳамид Олимжоннинг «Ғалаба қўшиғи», «Қўлингга қурол ол», Ғафур Ғуломнинг «Кузатиш», Собир Абдулланинг «Зафар қасидаси», Амин Умарийнинг «Ростлаб уринг, йигитлар!» каби чақириқ шеърлари публицистик характерда бўлиб, уруш бошланган даврнинг дастлабки кунларидаёқ республика газеталарида босилди.

Шунингдек, Ҳамид Олимжоннинг «Дўстлигимиз ҳақида», «Мен ўзбек халқи номидан сўзлайман», «Умид ва ишонч», «Бирлик», «Қайтиш», Ғафур Ғуломнинг «Сочи қирқилган момо», Амин Умарийнинг Ленинград мудофаасига бағишланган «Ғалаба наъраси», «Инсон муҳаббати» ва «Мерган қирувчилар» каби асарларида, мақолаларида ҳам сафарбарлик ва мудофаага чақириқ садолари жаранглаб эшитилади.

Урушнинг кескин бурилиш даври — Совет Армиясининг ҳужумга ўтиб, совет ерларини душмандан тозалаш пайтларини акс эттирувчи, парокандаликка тушиб қолган душманнинг васвасасини кўрсатиб берган публицистик асарларда ғалабанинг яқинлигига ишонч тояси яна ҳам бўртиб кўринди. Бу асарларда Совет Армиясининг Европа халқлари олдидаги халоскорлик бурчи кўрсатилди.

А. Толстойнинг 1943 йил 11 августда «Қизил Ўзбекистон» газетасида босилган «Сариқ заҳар», Ҳ. Олимжоннинг «Заъфарон», Шайхзоданинг «Жавоб», Ойбекнинг «Ғалаба баҳори» каби кўп публицистик асарларида душманнинг жон талвасасига тушгани, совет қўшинларининг азмкор юриши ва ғалаба дараклари зўр пафос билан ҳикоя қилинади.

Шундай қилиб, уруш даврида жанговар сиёсий лирика ва ўткир бадиий публицистика жанрлари ривожланди. Урушнинг дастлабки пайтларида бу жанрларнинг эмоционал таъсири, сафарбарлик кучи айниқса сезиларли бўлди.

* * *

Совет халқининг барча куч-қудратини, моддий-маънавий бойлигини, хўжалик ресурсларини душман устидан ғалаба қилишга сафарбар этиш, бепарволикка, бегамликка, хотиржамлик кайфиятига барҳам бериш уруш даврининг асосий вазифаларидан бири эди. Совет кишиларининг бу соҳадаги буюк иши, хатти-ҳаракати, вазиятнинг жиддийлигини ҳис этиши, фикр-туйғулари совет адабиётида ўзининг кенг ифодасини топди. Бу қонуний, ҳаётий бир ҳодиса эди. Чунки:

Бош кўтарди разил, олчоқ ёв,
Қонли йиртқич, қора бир илон.

Уруш бошланган куни гитлерчи душманларга совет халқининг чексиз нафратини билдирган шоир Ойбек бу шеърида ғалабага бўлган зўр ишонч, Ватан қудратини, халқ қаҳрамонлигини ҳам баён этади:

Биз тоғдек чўнг, ўмровли ва дов,
Бизнинг ҳамла янчар беомон.

Эндигина жангга кирган совет халқининг буюк ғалабага бўлган қатъий ишончи урушнинг биринчи ҳафтасида ижод этилган шеърлар замирига сингдирилгандир. Ҳасан Пўлатнинг «Биз енгамиз» шеърида Совет Иттифоқининг қудрати юксак ватанпарварлик руҳи билан куйланади, совет халқининг адолатли уруш олиб бораётгани, бу кураш мураккаб, оғир ва идеологик кураш эканлиги бундай кўрсатилади:

Жангга кирдик ғазаб билан биз чин озод халқ,
Жангга кирди ҳислар, сўзлар, фикрлар, ўйлар,
Жанг бошлади бир-бирила — ҳақсизлик ва ҳақ,
Жангга кирди бизнинг шеърлар, оташин куйлар...
Биз енгамиз, ғолиб келур турмуш ва инсон,
Бутун дунё севинчидир севинчларимиз.

Совет Иттифоқининг Улуғ Ватан уруши озодлик учун, социалистик Ватаннинг ва совет кишиларининг эркини сақлаб қолиш учун олиб борилаётган адолатли уруш эканлиги ўзбек совет поэзиясида ҳам яққол кўрсатилди. Ҳамид Олимжоннинг «Қўлингга қурол ол» шеърида бу ғоя ранг-баранг бадиий бўёқларда чизиб берилди. Ўзбек поэзиясининг энг яхши намуналаридан бири бўлган бу асардаги чақириқ, хитоб кишиларда Совет Ватанимиз озодлиги йўлида курашга отланиш туйғуларини ўстиради, кучига-куч қўшади. Юксак эмоционал ҳис уйғотувчи, кенг ва сермазмун фикрни етук бадиий образларда сода куйловчи бу шеърда курашнинг мақсади ҳам моҳирона тасвирланган:

Ҳаёт қайнаб тонг туманида,
Кўз илғамас эл ўрмонида,
Зўр ўлканинг қайноқ қонида,
Ҳукм сурар сафарбар бир ҳол,
Қўлингга қурол ол!
...Бўлсин десанг дунё сенга кенг,
Қолсин десанг қўлингда эркинг,
Бўлай десанг сен одамга тенг,
Бўлмай десанг ёвларга ҳаммол,
Қўлингга қурол ол!

Шоир «Бўлсин десанг дунё сенга кенг», «Бўлай десанг сен одамга тенг» каби сатрларда душманнинг помешчиклар ҳокимиятини тиклаш, чоризмни тиклаш, руслар, украинлар, белоруслар, литваликлар, латишлар, эстонлар, ўзбеклар ҳамда СССРдаги барча бошқа қардош халқлар яратган миллий маданиятни ва миллий давлатларни вайрон қилиб ташлаш мақсадида эканлигини, бунга қарши шафқатсиз курашга чақириқни образли қилиб бера олган.

Шайхзоданинг «Кураш нечун» асарида совет халқининг олиб бораётган улуғ озодлик урушининг умумхалқ

характери бадиий мисраларда ёрқин берилади. Бу кураш «Ленинниинг мужассам ҳайкали учун», «Чорак асрнинг якуни учун» экани айтилади. Бу кураш: .

... Пушкиннинг достони, Толстой учун,
Вақтинча тўхтаган холис тўй учун,
Бу элнинг гўдаги, чоли, гўзали,
Навоий мисраси, Бобир ғазали,
Дуторнинг бемалол унлари учун,
Ижоднинг муҳташам кунлари учун,
Онанинг меҳрибон алласи учун,
Ватаннинг нефти ҳам ғалласи учун...
Шоирнинг ташбиҳи, илҳоми учун,
Абадий саодат айёми учун.

Поэзияда урушнинг дастлабки кунларидаги сафарбарлик темаси ғалабага ишонч темаси билан бир бутунликни ташкил этади. Бу — Улуғ Ватан уруши давридаги бутун ўзбек совет адабиёти учун характерлидир.

Бу давр поэзиясида фронтга сафарбар этилган кишиларни кузатиш темаси асосий ўринлардан бирини эгаллади. Кузатиш — жангга жўнатиш уруш давридаги умумхалқ ҳаракатларидан бири бўлиб, ҳаётдаги бу зўр воқеанинг адабиётда берилиши табиий эди. Сафарбар этилган кишиларга ота-она ва ёрнинг, дўстнинг топшириғи, накази орқали она-Ватаннинг талаблари, совет кишиларининг олижаноб бурчи бадиий гавдалантирилади. «Йигитларни фронтга жўнатиш», «Шарқдан Ғарбга кетаётган дўстга» (Ҳамид Олимжон), «Халқ отланди» (Ғафур Ғулом), «Фронтга» (Амин Умарий), «Уч ол» (Зулфия) ва «Хайрлашув» (Уйғун) каби поэтик асарларда бу ғоя тараннум этилади.

Уйғуннинг «Хайрлашув» шеърида жангчи ва онанинг лирик образи берилиб, уларнинг кечинмалари яхши тасвирланади:

Душман келиб боғимдан гул узмасин,
Гўдакларнинг тинч уйқусин бузмасин,
Гуноҳсизлар қон ичида сузмасин,
Бор лочиним, бор шунқорим, яхши бор,
Қаҳрамоним, номус-орим, яхши бор.

Бу шеърда шоир халқ оғзаки поэтик ижодиётидан ўринли фойдаланади. Урушнинг бошланғич даврида

ёзилган бу асарнинг халқ оғзида ашула бўлиб айтилганини ҳам алоҳида уқтириб кўрсатиш зарур. Шеър шакл жиҳатидан халқ оғзаки поэзиясидаги «Лапар» ни эслатади.

Совет адабиёти уруш давридаги халқ ҳаётини ҳар тарафлама акс эттириш, типиклаштириб кўрсатиб бериш йўли билан боради. Шунинг учун у фақат ижобий ҳодисаларга эмас, салбий ҳодисаларга ҳам эътибор этади. Поэзия коммунистик ахлоқнинг совет кишилари онгидаги ғалабасини куйлаш билан бирга, заиф характерли айрим кишиларни, иғвогарларни қоралайди, совет халқининг душманлари шоирларнинг қаҳрига учрайди. Бу жиҳатдан шоир Ғафур Ғуломнинг «Одамлар ўртасида» деган сатирик шеъри характерлидир. Асарда иғвогар, ваҳима солувчи ёт унсур Алихўжа типи қаршисига ижобий образлар қўйилади. Ишчи Тўлаган, комсомол Валижонларнинг лирик образларида миллионлаб ватанпарварлар кўрсатилади. Улар Алихўжанинг иғвосига, фисқу фасодига зарба берадилар. Валижон ихтиёрий равишда фронтга кетади, Тўлаган эса ўғлини фронтга жўнатиб, ўзи заводда янада фидокорона ишлайди.

Душманнинг ёвузликларини фош этишда, совет кишиларига келтирган азоб-уқубатларни кўрсатиб, халқнинг ғазабини ифода этишда ҳам поэтик жанр катта роль ўйнади. Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Уйғун, Ҳамид Ғулом, Шайхзода, Мамарасул Бобоев ва бошқа шоирларнинг асарларида, халқ қўшиқлари ва бахшиларнинг шеърларида гитлерчиларнинг ғайри инсоний хатти-ҳаракатларига, вақтинча босиб олинган ерлардаги ваҳшийликларига қарши нафрат ифода қилинди. Шоир Уйғуннинг «Битсин фашизм», «Назир отанинг ғазаби» (иккинчи шеър), Ғафур Ғуломнинг машҳур «Мен яҳудий», Ҳамид Олимжоннинг «Москвани мен биламан», Амин Умарийнинг «Қирғин» шеърлари мисолида буни яққол кўриш мумкин. Бундай характердаги шеърлар юқорида кўрсатиб ўтилганлар билан чегараланмайди, албатта. Балки фронтда иштирок этган ўзбек шоирларининг шеърларида ҳам, мамлакат ичкарисида ижодий меҳнат қилиб, фронт учун асарлар ёзган шоирларнинг асарларида ҳам фашизмнинг туб моҳияти, унинг башариятга хавфли эканлиги кучли ғазаб, нафрат билан фош этилди.

Халқнинг фашистларга нисбатан нафратини, истеҳзосини беришда шоир Уйғун ўзининг «Назир отанинг ғазаби» (1942) шеърида зўр маҳорат қозонади. Китобхонларга таниш, тинчлик йилларида колхоз ишининг жонкуяр кексаси бўлган пахтакор Назир отанинг ватанпарварлиги Улуғ Ватан уруши даврида янада яққолроқ кўринади. Шоир ўз қаҳрамонининг ғазаби ва душманга чексиз нафрати кучини бера оладиган образлар топди. Совет кишиси қуруқ нафратланиш билангина чекланиб қолмайди. У башариятни хавфдан қутқариш учун курашмоқ, жанг қилмоқ керак эканини яхши билади. Шоир бу ғояни Назир отанинг «Тумшуғингга тепиб алла қилмасам, мозорингга бориб ялла қилмасам... отимни бошқа қўяман» деб қасам ичишини тасвирлаш билан беради. Шоир қаҳрамонида кексаларга хос донишмандлик бор.

Шоирлар душманга зарба бериш, совет кишиларини ғалабага илҳомлантириш учун ҳамма имкониятлардан фойдаланишга интилар эдилар.

Республика матбуотида жуда кўп сатирик асарлар эълон этилди. Шу билан бирга, хилма-хил плакат ва карикатураларга мос текстлар яратилди. Масалан, душманни, унинг йиртқичлигини ва пуч, чиркин идеологиясини фош этувчи расм — карикатураларнинг шеърий текстини кўп ёзган Амин Умарий гитлерчи генерал ва офицер ҳақидаги карикатура тагига шундай бир текст ёзади:

— Сизнинг полкда етишмайди
Бутун бошли бир рота!
Бу иш сизга келишмайди,
Кимдан ўтди бу хато?
— Жаноб генерал, зўр хатонинг
Сабабчиси руслардир
Шунинг учун бу ротанинг
Жойи бўлди анов қир...
Полкимизда шон қозонган
Қанча-қанча ботирлар,
Нон ўрнига рус ўқин еб,
Қир остида ётирлар...

* * *

Фронт ва мамлакат ичкарисидаги совет кишиларининг амалий иши, кураши — жанги, хатти-ҳаракатини тасвирлаб бериш совет адабиётининг асосий вазифаси бўлиб қолди. Бу даврда яратилган бадиий асарларда совет қаҳ-

рамони — фронтовик образи ва меҳнат фронтида саботматонат билан ишлаётган совет кишиси, меҳнат қаҳрамони образи асосий ўринни эгаллайди.

Совет кишиларининг ватанпарварлиги адабиётда яна ҳам аниқ-равшан тасвирланади. Зотан, уларнинг Улуғ Ватан уруши фронтларида олиб борган жанговар курашлари, мамлакат ичкарисида эса меҳнатда ажойиб муъжизалар кўрсатиб, фронтга озиқ-овқат ва қурол-аслаҳа, кийим-бош етказиб бериш учун астойдил ишлашлари — ватанпарварлик фазилатларининг намоён бўлиши эди.

Совет ватанпарварлиги совет халқининг социалистик тузумга, Коммунистик партияга, Совет ҳукуматига бўлган муҳаббатидан, СССР даги барча халқларнинг она-Ватанга садоқатидан келиб чиқади. Коммунистик партия ленинча миллий сиёсатга амал қилиб: «Россия халқларини кўп асрлик социал ва миллий зулмдан озод қилди, илгари эзилиб келган халқларнинг иқтисодий ва маданий қолоқлигини тугатишга муваффақ бўлди, Ватанимизнинг ҳамма миллатларини битта қардош оила қилиб жипслаштирди, қудратли, кўп миллатли социалистик давлат — Совет Социалистик Республикалар Иттифоқини вужудга келтирди. Социализмнинг ғалабалари негизида маънавий-сиёсий бирлик, СССР халқларининг дўстлиги, совет ватанпарварлиги сингари, совет жамиятининг қудратли ҳаракатлантирувчи кучлари авж олиб кетди ва мустаҳкамланди»[1].

Совет ватанпарварлиги социалистик жамиятнинг ҳаракатлантирувчи кучи бўлгани учун СССР халқларининг урушда кўрсатган буюк қаҳрамонлиги ана шу ватанпарварлик заминидан келиб чиқди. Фронтларда жанг қилаётган совет солдати ҳам, фабрика ва заводларда, колхоз ва совхоз далаларида, фан, маданият ва адабиёт фронтида ишлаётган ҳар бир киши ҳам Коммунистик партияга, Совет Ватанига ўз садоқатини намойиш қилди.

Совет ёзувчилари ана шу қаҳрамон ватанпарвар кишиларнинг ишидан илҳомланиб, уларнинг етук образларини чизиб беришдек муқаддас вазифани бажариш учун тинмай ижодий иш олиб бордилар.

Совет адабиётида жангчи образи биринчи марта

[1] Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг эллик йиллиги (1903—1953), Тошкент, 1953.

Улуғ Ватан уруши давридагина яратилган бўлмай, балки ундан олдин, Октябрь социалистик революцияси ва гражданлар уруши йилларида, халқ хўжалигини тиклаш ва ривожлантириш йилларида ҳамда урушдан олдинги беш йилликлар даврида ҳам мавжуд эди. А. Фадеевнинг «Тор-мор», А. Серафимовичнинг «Темир оқим», Д. Фурмановнинг «Исён», «Чапаев», Вс. Ивановнинг «Бронепоезд 14—69» ва «Партизанлар», К. Треневнинг «Любовь Яровая», Н. Островскийнинг «Пўлат қандай тобланди» асарларидаги қаҳрамонлар, В. Маяковский, Д. Бедний шеърларидаги фронтовик қаҳрамонларнинг лирик образлари, С. Айнийнинг «Қуллар» романи, Ойбекнинг «Темирчи Жўра» поэмаси, Ғафур Ғуломнинг «Яловбардорликка», Ҳамид Олимжоннинг «Ўлим ёвга» шеърлари каби асарларда, Яшиннинг «Тор-мор» драмасида ижобий қаҳрамонлар мисолида совет кишисининг қаҳрамонлик тарихи ёритиб берилган эди.

Улуғ Ватан уруши даври бадиий адабиёти ана шу ажойиб традицияни давом эттирди ва уни янги даврнинг талаби билан янада юқори чўққига кўтарди. Рус совет адабиёти Улуғ Ватан уруши қаҳрамони образини яратишда ҳам намуна кўрсатди. Масалан, Н. Тихонов «Киров биз билан» поэмасида Ленинград мудофаачиларининг унутилмас образларини тасвирлади. А. Фадеев «Ёш гвардия» романини ёзиб, ёш совет авлодининг Улуғ Ватан уруши давридаги ватанпарварлик ташаббусини, қаҳрамонлигини улуғлади. А. Твардовский совет солдатининг умумлашган реалистик образини ўзининг «Василий Тёркин» поэмасида моҳирона чизиб берди. П. Антокольский «Ўғил» поэмасида ёш ва кекса совет кишиларининг ватанпарварлигини куйлади. М. Алигер эса «Зоя» поэмасида совет қизи қаҳрамон Зоя Космодемьянскаянинг ўлмас образини яратди. Н. Тихонов, К. Симонов, А. Сурков, М. Исаковский ва бошқаларнинг кўп шеърларида Совет Ватани учун жанг қилувчиларнинг лирик образи берилди, уларнинг ички дунёси жўшқин мисраларда куйланди. Рус адабиётининг ҳамма жанрларида совет солдати, қаҳрамон жангчи образлари кўплаб яратилди.

Кўп миллатли совет адабиётининг ажралмас қисми — украин, белорус, ўзбек адабиёти ва бошқа миллий адабиётларда ҳам Улуғ Ватан уруши қаҳрамонлари ҳақида кўп асарлар ижод қилинди. Булар орасида Корнейчукнинг «Фронт» пьесаси алоҳида аҳамиятга эга эди.

Ўзбек совет шоирлари, драматург ва прозаиклари фронт қаҳрамонларининг жасурлигидан илҳомланиб кўпгина бадиий асарлар яратдилар. Ғафур Ғулом, Уйғунининг кўпгина шеърлари, Ҳамид Олимжоннинг «Жангчи Турсун» балладаси, Зулфиянинг «Уни Фарҳод дер эдилар» асари, Яшиннинг «Ўлим босқинчиларга» драмаси, Абдулла Қаҳҳор ҳикоялари, фронтда иштирок этган ёзувчилардан Шароф Рашидов, Султон Жўра, Назир Сафаров, Илёс Муслим, Мумтоз Муҳамедов, Зиннат Фатхуллин, Адҳам Раҳмат ва Иброҳим Раҳимларнинг очерклари марказида жангчи образи турар эди.

Уруш даври бадиий асарларида жангчи-қаҳрамон ва меҳнат кишисининг психологиясини чуқур очиб беришга катта аҳамият берилди. Фақат шу йўл билангина уруш даври кишиларнинг кўп қиррали ҳаёти, продаси ва ғалабага бўлган ишончи, умуман совет одамларининг фазилатларини муносиб бадиий бўёқларда ва таъсирли қилиб тасвирлаш мумкин эди. Ўзбек адабиётида схематизм ва воқеликни қуруқ тавсиф этишдан қутулиш, характер ва образлар яратиш орқали киши психологиясини ҳар тарафлама кўрсатишга интилиш кучайди. Лекин бундан ҳамма ўзбек ёзувчилари барча асарларида ҳам шунга эришди, деган хулоса чиқариш тўғри бўлмайди. Масалан, уруш даврида ўзбек драматурглари яратган бир гуруҳ пьесаларда характерлар аниқ кўрсатиб берилмади, ҳаётни образлар орқали очишда бадиий маҳорат етарли бўлмади. Бунинг натижасида, ҳатто актуал темаларда ёзилган, аммо пухта ишланмаган кўпгина асарлар давр талабига, синовга бардош беролмай тезгина саҳнадан тушиб қолди (масалан, «Қурбон Умаров», «Шерали», «Она» каби пьесалар). Бу асарлар қисқа муддатда фақат малъум даражада агитацион аҳамиятга эга бўлдилар.

Поэзияда Ватан ҳимоячиси — қаҳрамон образи хилма-хил шаклларда: жангчининг эл-юртига хати, мамлакат ичкарисидан фронтга хат, балладалар ва лирик парчаларда кўрсатиб берилди. Масалан, Ҳамид Олимжоннинг «Хат» шеърида қаҳрамон ватанпарвар солдат образи унинг онасига ёзган мактуби орқали китобхон кўз ўнгида гавдалантирилади: О н а г а: «Ватан учун жанг қил деб милтиқ бердинг қўлимга», шундан бери: «Ойлардурким олишаман мен одамхўр ёв билан» деб рапорт берган солдат машаққатли жанг ўз продасини бука олмаслигини қатъий ишонч билан баён қилди:

Ухламайман тунлар бўйи,
Икки кўзим осмонда.
Шитир этса хас, сезаман,
Қулогим ёв томонда...

Қонлар кечиб ёв келади,
Кўзлари қон, фаҳми йўқ.
Сенинг учун ўқ узаман,
Ғазабимнинг раҳми йўқ.

... Ўлим билан олишаман,
Енгиш нима, биламан:
Фашистларга келган қирон,
Менинг ўзим бўламан.

Фронтовик шоирлар шеърларида ҳам худди шундай лирик қаҳрамон-жангчи образи тез-тез учрайди. Султон Жўранинг «Пулемётчи овози», «Соғинчли салом», «Ҳай жанубга учган қуш», «Чавандоз», Шароф Рашидовнинг «Жангчи», «Қаҳрим», Адҳам Раҳматнинг «Жангчи қўшиғи», «Мени кут!», Ҳасан Саиднинг «Марш», «Қасамёд», Илёс Муслимнинг «Маршрут — Берлин» ва «Қувонч», Назарматнинг «Жанг йўлларида» шеърлари «ҳаракатдаги армия» белгиси билан бевосита фронтлардан юборилган бўлиб, уларда шоир-солдатнинг ёки сафардошларининг лирик образи яратилгандир.

Атакага йўл бошлади лейтенант,
Чақмоқ чақди қўлимизда найзалар.
Дилда ҳамон ўша мардлик, ўша онт,
Ҳар ўқимиз ёв қалбига чанг солар.
Қўзғалди куч... Елдак учар тачанка...
Қочаётир ёв, қолдириб мурдалар,—

деб куйлайди «Марш» асарида жангчи шоир Ҳасан Санд. «Ев қалбига чанг» солган, атакага кириб душманни қуваётган қаҳрамоннинг хатти-ҳаракати бу шеърида яхши кўрсатилган. Худди шунингдек, Ҳасан Санд «Қасамёд» шеърида ижодий ва жанговар иши билан душманга қарши курашга онт ичган жангчи-шоирнинг юрак ҳисларини «Винтовка қаламим билан қадрдон, иккиси бир мақсад қасдида» деган сўзлари ифода қилади.

Фронт қаҳрамонининг лиро-эпик ибразини яратишда Ҳамид Олимжон ва Зулфия катта ижодий муваффақият-

ларга эришдилар. Агар Ҳамид Олимжоннинг «Жангчи Турсун» балладасида давр қаҳрамонининг бадиий умумлашмаси оддий солдат Турсун образида берилса, Зулфиянинг «Уни Фарҳод дер эдилар» деган сюжетли шеърида бир конкрет шахс — ўзбек артистининг ватанпарварлик хатти-ҳаракати манзарасини яратиш билан Совет Армиясининг ҳар бир жангчисига хос хусусиятлари мужассамлантирилади.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати курашнинг энг оғир кунларида миллион-миллион Ватан мудофаачиларига мурожаат қилиб, «Бир қадам ҳам орқага чекиниш йўқ» шиорини майдонга ташладилар. Ўзбек халқи бу чақириққа амал қилиб, ўз фарзандларига насрий ва шеърий мактублар билан мурожаат этиб Сталинград остоналаридан ва фронтнинг бошқа участкаларидан орқага чекинмай, душманга қарши қаҳрамонона кураш олиб боришни талаб қилди: «Азиз жигаргўшаларимиз,— дейилган эди «Ўзбек халқининг жангчиларига уларнинг эл-юртларидан мактуб»да,— Ватаннинг ҳар бир қисим тупроғи биз учун табаррук экан, уни немис-фашист итваччалар оёғи остида мурдор бўлишга бепарво қараб турган кўзлар кўр бўлишга, бепарво эшитиб турган қулоқлар эса кар бўлишга лойиқдир.

... Биз ҳозир орқага чекинмай, тупроғимизни, ер-сув, шаҳар ва қишлоқларимизни маҳкам сақлаб қолсак, пайти келганда олға юришимиз учун замин тайёрланган бўлади... Бир қадам ҳам орқага чекиниш йўқ»[1].

«Ўзбек халқининг жангчиларига уларнинг эл-юртларидан мактуб» муносабати билан «Правда» газетаси бу хатнинг катта сиёсий-тарбиявий аҳамияти ҳақида тубандагиларни ёзган эди:

«Мактубни бутун ўзбек халқи ёзди. Уни республиканинг барча шаҳарларида, барча қишлоқларида ўқидилар. Бу мактуб оналарнинг ўз фарзандларига бўлган меҳрибонлигини ва оталарнинг қаттиқ талабини ифодалаб берди. Бу талаб — қадимги халқнинг шаънига ва мардона традицияларига иснод келтирмасликдан иборатдир. Бу халқ учун Ватан йўлида олиб борилаётган жангда қўрқоқлик кўрсатишдан, жангда ўртоғига, оғасига хиёнат қилишдан ҳам оғирроқ шармандачилик ва жиноят йўқ. Бу мактубда ўз халқига муҳаббат ва Совет Ватанига чексиз садоқат ифода қилинган»[1].

«Жангчи Турсун» балладаси ана шундай бир шароитда ёзилган эди (1942 йил), Сталинград ва Кавказ остоналарида қонли жанг борар, совет жангчилари душманнинг кўп сонли қўшини ва ҳарбий техникаси қисуви билан фронтларнинг баъзи участкаларида орқага чекинарди. Шу пайтда она-Ватаннинг «Бир қадам ҳам орқага чекиниш йўқ» деган нидоси шоир қаламида онанинг жангчи Турсунга мактуби шаклини олди:

Почтальон онасидан
Келтиради унга хат...
«Ўғлим, сендан хушхабар
Келармн, деб кўз тутдим.
Лекин кўп жойни ташлаб
Кетибди, деб эшитдим...
Қаёққа чекинасан,
Бормн кераксиз еринг,
Не учун одам бўлдинг,
Келмасанг душманга тенг.

• • •

Сенинг-чун бутун элни
Оғир уят тутсинми?
Сени кўрганда қуёш
Юзини беркитсинми?..

Асарда Турсунда шу хатдан кейин рўй берган психологик ўзгариш ҳам ҳаққоний тасвирланади:

Рота жангга киради
Турсун бошида зўр юк,
Дунёда ҳеч сўз борми
Она сўзидан буюк.

Она-Ватаннинг, онанинг ғазабли сўзлари Турсунни зўр курашга етаклайди, унга куч-қудрат бағишлайди.

[1] «Ўзбек халқининг жангчиларига уларнинг эл-юртларидан мактуб»дан, «Ватаннинг чақирнгига жавоб» тўплами, Ўздавнашр, Тошкент, 1943, 13 ва 15-бетлар.

[1] «Правда», 1942 й., 31 октябрь. «Совет Иттифоқи халқларининг жанговар бирадарлиги» деган бош мақоласининг таржимаси «Ватаннинг чақирнгига жавоб» китобидан олинди.

Балладада Турсуннинг мардонавор жанги тасвири халқ қаҳрамонлик достонларидаги ботирларнинг курашини эслатади. Шоир балладани халқ достонлари шаклида ёзган. Ҳатто, айрим ўринларда Турсуннинг хатти-ҳаракатини кўрсатиш учун достонлардаги образлардан ижодий фойдаланади («немиснинг ўлигини босиб ўтиб боради, найзасига қалпоғини осиб ўтиб боради» ва бошқалар).

Асарнинг охирида Турсуннинг атакага дадиллик билан киргани, душманни кўплаб қиргани ва ниҳоят, Ватан озодлиги йўлида шараф билан қурбон бўлгани санъаткорона берилади:

Эркаланиб ётади,
У Ватан тупроғида...

Баллада «Қизил Ўзбекистон» газетасида 1942 йил октябрь ойида босилиб чиқди. Бундан бир ой илгари шоирнинг шу газетада «Онанинг номуси» сарлавҳали кичик бир очерки эълон қилинган бўлиб, унда тасвирланган воқеа балладанинг ёзилиш тарихи, унинг мазмуни билан узвий боғлиқдир. Шоир очеркида ҳикоя қилинган воқеа ҳам «Жангчи Турсун» асарига ҳаётий материал сифатида хизмат қилган.

Шоира Зулфия ўзининг «Уни Фарҳод дер эдилар» асарида совет кишисининг қаҳрамонлиги, СССР халқларининг қардошларча мустаҳкам дўстлиги идеясини бадиий формада маҳорат билан акс эттирди. Шеърда қаҳрамоннинг ички дунёси, психологик ҳолати жанг эпизодлари орқали усталик билан очилган. Асарнинг биринчи қисмида ўзбек артисти Қобил Сиддиқовнинг урушгача санъат соҳасидаги хизматини кўрсатиш орқали совет кишисининг тинч ижодий меҳнати манзараси яратилди. Асар қаҳрамони Қобил Сиддиқов саҳнада Фарҳод ролини ўйнаб, мардлик, ватанпарварлик, дўстлик, вафодорлик, инсоннинг эркинлиги идеяларини завқ билан томошабинлар зеҳнига қуяр эди. Энди эса Қобил Сиддиқов Улуғ Ватан уруши фронтида оддий совет солдати сифатида амалда мардлик кўрсатмоқда. Совет кишиларининг сўзи, шу жумладан, совет артистининг саҳнада ўйнаган ролида илгари сурган фикрлари билан ўзининг амалий иши бир-бирига монанд эканлиги асарда яхши очиб берилган. Артист-солдат Украина ерини гитлерчи фашист босқинчилардан ҳимоя қилиш учун жон олиб, жон беради, қаҳрамонлик кўрсатади. Асар халқлар дўстлиги идеяси билан суғорилган.

Совет солдати — ватанпарварлик намунасини кўрсатган санъаткор Қобил Сиддиқов:

Кўзин олмай қаради узоқ,
Унга таниш жонажон тупроқ,—
Украина ери бепоён
Боқар эди маъсум, меҳрибон...
Қобил қори оташга тўлиқ,
Жаранглайди майин бир қўшиқ:
«Эдим юртимда санъаткор
Ки, бунда жанг қилувчиман,
Матон эрким олмоққа
Келибман ушбу майдона».

«Фарҳод ва Ширин» музикали драмасидан Фарҳоднинг ариясн формасида ёзилган бу сатрларда жангчи-артистнинг характери касбига мос равишда очилади, унинг ички дунёси кўрсатиб берилади. Украинанинг душман томонидан вайрон этилган шаҳар ва қишлоқларини кўрган, азоб-уқубатга дучор этилган кишиларнинг оғир аҳволига қардош халқ фарзанди сифатида қаттиқ ачинган ўзбек жангчисининг юрагида ўч алангаси яна авжга чиқади:

— Йўқ, бу куйган далалар ҳаққи,
Бошсиз қолган таналар ҳаққи,
Яксон қилмай душманни тамом,
Мен ўлимга бўлмайман рози,—

дейди жангда қаттиқ яраланган солдат. Зулфия она-Ватан учун олиб борилган жангда қурбон бўлган қаҳрамон жангчининг ўлимини ҳам оптимистик мисраларда куйлайди. У:

Жангчиларни кўрди бошида,
Командирин кўрди қошида:
— Жон дўстларим, хуш қолинг,— деди.
— Мен учун ҳам ўч олинг, — деди.
— Мен ўлимдан асло қўрқмайман,
Лекин яшамоқни истайман.

Ҳаёт яхши, кураш ҳам яхши,
Она тупроқ, қуёш ҳам яхши.
Шу тупроқда берганим-чун жон
Кўз юмаман мағрур, беармон.

Шоира бу асарини ёзишдан аввал Қобил қорининг фронтдаги ҳаёти, курашини синчиклаб ўрганади. Ёзувчи учун газеталарда босилган ҳарбий эпизодлар, жангчилар турмуши ҳақидаги очерклар ва хотиралар айниқса бой материал беради.

Ҳаётий фактик материаллар ёзувчиларимизни яхши-яхши бадиий асарлар ижод қилишга илҳомлантиргани ҳақида кўплаб мисол келтириш мумкин. Масалан, Ойбек Улуғ Ватан урушидан сўнг кўп ўтмай совет ёшларининг, колхозчи қизларнинг уруш даврида кўрсатган ватанпарварлиги, қаҳрамонона меҳнатини акс эттирган «Қизлар» поэмасини ёзди. Авторнинг уруш йилларида ёзган «Фидокор қизлар» (1944) очеркидаги фактик материаллар бу поэманинг асосий манбаи эди, деса бўлади. Очеркда Бухоро область, Свердлов районидаги бир колхознинг ёш аъзоларидан Муслима, Адолат, Сакина ва Аминахонларнинг кекса пахтакор Раҳим ота звеносидаги фидокорона меҳнати ҳикоя қилинади. Қизларнинг пахтадан мўл ҳосил олиш учун астойдил ҳаракат қилишлари, уларнинг кечинмалари, оилавий аҳволи, фронтга кетган ота ва акалари ҳақидаги хаёллари тўғрисида гап боради. Кейинчалик «Қизлар» поэмасида (1948) бу кичик деталлар анча кенгайтирилиб, чуқур психологик моментлар, поэтик образларда тасвирланган.

Фронт манфаатлари учун хизмат қилаётган ижодкор совет кишисининг, совет халқининг лирик образини яратишда Ғафур Ғулом, Уйғун, Зулфия каби санъаткорлар самарали ишладилар.

Ғафур Ғуломнинг «Сув ва нур» балладасида ўзбек халқининг фидокорона меҳнати кўрсатилди. Урушнинг энг оғир кунларида Сирдарёни жиловлаб, электростанциялар қуришга отланган Ўзбекистон меҳнаткашларининг ватанпарварлиги куйланади, совет кишиларининг юксак маънавий-сиёсий қиёфаси ғурур билан тасвирланади. Асарда ГЭС қурувчиларининг — нур яратувчиларнинг, дашт-биёбонларга сув чиқариб, кенг пахтазорлар барпо қилувчиларнинг ўз келажагига зўр ишончи

душманни енгиб, галаба қозонишга бўлган қатъий иродаси билан қўшилган ҳолда тараннум этилади. Балладада меҳнат фронти ҳам уруш фронтининг бир қисми тарзида талқин этилади.

Шоир балладанинг кириш қисмида фронт қаҳрамонларига мурожаат қилади, уларнинг тарихда оламшумул кураш олиб бораётганликларини фахр билан қайд этиб ўтади. Сўнгра мамлакат ичкарисидаги халқ номидан шундай рапорт юборади:

Сиз учун муносиб совға бўлсин деб,
Фарҳод қурилишини бошлаб юбордик.
Бу совға бўлажак ўлкамизга зеб,
«Фарҳоду Ширин» да ёзилганидек.

Асарда Мирзачўлга сув чиқариш ўзбек халқининг неча асрлардан бери айтиб келган орзуси эканлиги, бу орзу-тилак Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достони каби ўлмас асарларда образли ифодаланганини, совет халқи эндиликда Коммунистик партия раҳбарлигида табиатни ўзига бўйсундиришга мажбур қилгани реалистик бўёқларда тасвирланади. Шоир қурувчи — яратувчи кишилар тилидан шундай дейди:

Сиз ёвуз душманнинг бошини янчиб,
Музаффар юришдан қайтган чоғда,
Биз ғолиб байроқни юксакка санчиб,
Зиёфат берамиз Фарҳод тоғида.

Ғафур Ғуломнинг «Хотин» шеърида ҳам меҳнат кишисининг образи берилади. Шоир бу асарда уруш йилларида фронтга кетган эркакларнинг ўрнини эгаллаб, меҳнат соҳасида ўрнак кўрсатаётган хотин-қизларни улуғлайди, уларни янада астойдил меҳнат қилишга ундайди:

Меҳнатда тафовут бўлмайди. Чалиш
Трамвай ҳайдашдан қила кўрма ор.
Саодат гарови ҳар қандай юмуш,
Хонзода қизидай ўтирма бекор.

Худди шунингдек, Ойбекнинг «Ойша хола», «Бир қиз куйлайди», «Раиса» каби асарларида ҳам ўзбек

хотин-қизларининг қишлоқ хўжалигини юксалтириш соҳасидаги ватанпарварлик ташаббуси бадиий образларда кўрсатилади. «Ойша хола» шеърида «уч жангчига ота» — камирнинг ички кечинмалари моҳирлик билан берилади. Кекса аёлнинг дала меҳнатига чиқиши, пахта планини бажариш учун қасам ичиши тасвирида кексаларнинг уруш давридаги ватанпарварлиги, меҳнатдаги қаҳрамонлиги ҳаққоний куйланади:

Набиралар билан далага
Кетади у жиддий, нурвиқор.
Ярашади кетмон елкага,
Ҳар бир ишда ишчи — соҳибкор.

Уйғун «Теримчи қизга» (1942) шеърида колхозчи қизга мурожаат қилиш орқали унинг бардош билан меҳнат қилаётганини ва бу меҳнати билан севган ёрининг фронтда ғалаба қозонишига ёрдам бераётганини лирик мисраларда куйлайди:

Биламан, ер ҳайдаган чоғда,
Жангда бўлган хаёлинг бутун.
Назарингни тортган узоқда
Днепрни қоплаган тутун...

Тер, чевар қиз, ўтмасин дам, тер,
Бармоқларинг асти толмасин.
Барчасини фронт учун бер,
Бир тола ҳам ерда қолмасин.

Уруш даври ўзбек совет поэзиясида фронтга, севимли ёрга, ўғилга, ака-укага хат ва фронт иштирокчиларидан уларга жавоб мактуби каби шаклдан кенг фойдаланилди. Бу ўзига хос бадиий прием мамлакат ичкарисида кечаю кундуз меҳнат қилаётган кишиларнинг лирик образларини кўрсатиш учун кенг имкон беради. Уйғун, Зулфия ва Ҳамид Гулом шеърларида бу адабий прием кўп учрайди. Уйғунинг «Ваъда», «Мени койима», «Келади», «Қанча йироқ кетса, шунча тез келар» ва «Суҳбат» каби поэтик асарларида, Зулфиянинг «Палак», «Эримоқда қор» ва «Пиғитларга», Ҳамид Гуломнинг «Кўзим ғазаб билан ёнар», «Қиз дили», «Днепрнинг ул юзига Санобардан хат» каби шеърларида биз фабрика, завод, колхоз ва совхозларда меҳнат қилаётган, ўз ёрини, дўстини ва қариндошларини согинган совет кишилари сиймосини кўрамиз.

Ўзбекистон пахтакорлари 1944 йилда давлат пахта планини ошириб бажариш учун аҳд этдилар, қасамёд қилдилар. Бу партия ва Ватан олдидаги муқаддас онт эди. Колхоз далаларида ишлаётган пахтакорлар, ёшқари, чол-камир ва ўсмирлар жангчилар учун кийим-бош бўладиган, ҳарбий саноат учун зарур материал берадиган пахтани мўл-кўл етказиш учун кураш олиб бордилар. Уйғунинг «Суҳбат» шеърида бу ғоя пахтакор қизнинг ёри — жангчи билан суҳбатида берилади:

Шунда фикрим, зикрим, шундадир ўйим.
Қошки чек қўйилса, ҳижрон шомига,
Қошки кузда бўлса, қўшалоқ тўйим.—

дейди пахта майдонининг қаҳрамон қизи. Худди шунингдек шоира Зулфиянинг «Эримоқда қор» шеърида меҳнат сафарбарлигининг реалистик картинаси чизиб берилади, пахтакор хотин-қизларининг ҳис-туйғулари акс эттирилади:

Пайда такрорланар сафарбар сўзлар:
Ерим келсин десанг ғолиб, бегубор,
Мана семиз тупроқ ишла, Зулфизар,
Нозик қўлларингда мардлар кучи бор.

Ўғли йўлларига мунтазир она,
Ҳижрон юрагига ўт солган келин,
Сен меҳнат қилмасанг бунда мардона,
Фурсатни бой бересанг, ғалаба қийин.

Ғафур Гуломнинг «Қасам» шеърида «ўз сўзли» ўзбек халқининг пахтадан юқори ҳосил олиши, давлат пахта планини албатта бажариш учун «қасамёд йилининг бошланғани» куйланади.

Коммунистик партия чизиб берган программа — душманни тор-мор келтириш программаси халқдан меҳнатда фидокорлик ва ижодкорликни, новаторлик ва маҳоратни талаб қилар эди. Улуғ Ватан уруши даврида мамлакатда қурилишлар давом этди: бу вақтда 5860 км янги темир йўл қурилди, самолёт ва тўп ишлаб чиқариш

5 марта, танк ишлаб чиқариш 15 марта ўсди. Мамлакатнинг шарқий районларида янги завод ва фабрикалар барпо этилди, ғарбий районлардан кўп йирик корхоналар кўчириб келтирилди. Ўзбекистонга кўчириб келтирилган талайгина ҳарбий заводларда ўзбек ишчилари ҳам катта ғайрат билан ишладилар. Улар орасида минглаб ўзбек хотин-қизлари ҳам бор эди. Ўзбекистон хотин-қизлари станок ёнида туриб, ҳарбий қурол ишлаш малакасини эгалладилар.

Шоир Ҳамид Ғуломнинг «Днепрнинг ул юзига Санобардан хат» шеъридаги станок ишчиси Санобар, «Кўзим ғазаб билан ёнар» асаридаги тўқувчи қиз, «Қиз дили» шеърида «дастгоҳ қошида» жангчи ёрини соғинган ишчи қиз образларида ўзбек ишчи синфининг янги авлоди кўрсатилади. «Соғинганим ҳақи жанг айлагил, соғинганим ҳақи ёвни ур!»— дейди станок ёнидаги қиз. Фронт учун қурол-аслаҳа ишлаб чиқараётган Санобар («Днепрнинг ул юзига Санобардан хат» шеъри) жангчи ёрига ёзган мактубида:

Сен таажжубланма, агар йўлласам
Шонли майдонингга тўп-тўпхона.
Оғир кунларингда сени қўлласам
Ва бошингда бўлсам парвона —

дейди ва ўзининг ҳарбий заводда астойдил меҳнат қилаётгани билан ёрини севинтиришга ошиқади.

Тўқимачилик саноатидаги хотин-қиз ишчиларнинг Ватан учун, фронт учун меҳнат вахтасида туриб, мамлакатга кўпроқ ип-газлама етказиб бериш учун ишлашлари, уларнинг юксак онги, ички ҳиссиётлари Шайхзоданинг «Йигираман, ип бераман» шеърида куйланади. Шеърнинг лирик қаҳрамони — ишчи аёл эри ва акасини фронтга жўнатгач, ўзини ҳам сафарбар ҳис қилади:

Мен ҳам фронтчидай қаҳрамон бўлай,
Токи она юртим соғ-омон бўлгай...
Оширib бажарай буюк планни,
Кийгизай фронтда ҳар қаҳрамонни.
Акамни, отамни, ёримни бутун...
Ҳамма фронтчилар укамдир букун,
Шунинг учун кўп ип бераман,
Ип улайман, ип йигираман.

Йигираман, ип бераман.
Ип бераман, йигираман!

Ўзбек совет ёзувчиларининг ватанпарварлик, дўстлик ва пролетар интернационализми ғояларини бадиий бўёқларда кўрсатувчи асарлари юқоридагилар билан чекланмайди, албатта. Уларнинг иккинчи бир гуруҳ асарларида бу ғоялар сўз санъаткорининг «мен»и, яъни ёзувчининг «шахсий» кечинмалари орқали ифода қилинади. Буни кўпроқ поэзия жанрларида кўриш мумкин.

Ғафур Ғуломнинг «Мен яҳудий», «Сен етим эмассан», Ҳамид Олимжоннинг «Москвани мен биламан», «Россия» каби машҳур поэтик асарларидаги шоир — «мен»и — совет кишисидир. Бу — «мен»да совет ватанпарвари, инсонпарвар киши образи берилган.

Россия, Россия, менинг Ватаним,
Мен сенинг ўғлингман, эмасман меҳмон.
Сенинг тупроғингда улғайди таним,
Ҳозирман сен учун бўлмоққа қурбон —

деб куйлайди Ҳамид Олимжон миллион-миллион ватанпарварлар, Улуғ Россияни — социалистик Ватанни севган совет кишилари тилидан.

Шоир «Москвани мен биламан» шеърида Ватанимизнинг пойтахти Улуғ Москва мудофааси ҳақида гапирар экан, социалистик Москва ҳар бир совет кишиси учун азиз эканини фахр билан уқтиради. Москва СССР халқларининг бахт-саодати тимсоли, қардошларча дўстлигининг рамзидир. Москва бутун дунё меҳнаткашларига бахтли ҳаёт, мустақиллик ва тинчлик йўлини кўрсатиб берувчи машъалдир. Душман — гитлерчи босқинчилар ана шу азим шаҳарни «яшин тезлиги»да забт этишни хаёл қиладилар. Шоир совет граждани сифатида гапириб, душманнинг бу хом хаёлидан ғазабланади ва истеҳзо билан:

Москвани сен билмайсан, қонхўр ёв,
Москвада сенга ёлғиз ўлим бор.
Чуқурларда, ғорликларда чирийсан,
Қабрга ҳам, тобутга ҳам бўлиб зор.
Москвани қўриқлайди бутун эл,
Кўкрагимиз осмонида зўр қалқон —

дейди.

Улуғ Россия, унинг азиз шаҳарлари — Москва, Ленинград, Сталинград, Севастополь, Киев ва Минск

ҳақида ёзилган поэтик асарлар ўзбек адабиётида талайгина учрайди. Масалан, қаҳрамон Ленинград ҳақида Ҳамид Олимжон («Қамал қилинган шаҳар тепасида ой» шеъри), Уйғун («Ленинград»), Ислом шоир («Ленинград қаҳрамонларига салом»), Ойбек («Муҳаббатимиз чексиз»), Амин Умарий («Ленинград йўлида», «Ленинград — қуёшли Ўзбекистон»), Ҳамид Ғулом («Қалъа») ва Раъно Узоқова («Баҳодир шаҳар») каби шоирларнинг шеърлари пайдо бўлди. Бу асарларда Ленинграднинг шонли мудофаачилари, уларнинг душман қамалига қаҳрамонларча бардоши ва кураши жўшқин мисраларда тараннум қилинди. Бу асарларнинг кўпи «Шонли Ленинград» тўпламида китобхонларга тақдим этилди. Тўплам ВКП(б) Ленинград шаҳар комитетининг секретари А. Жданов ва меҳнаткашлар депутатлари Ленинград шаҳар Совети Ижроия комитетининг раиси П. Попков ўртоқларнинг «Совет Ўзбекистонининг меҳнаткашларига» деб ёзган мактуби билан очилади. Хат ўзбек халқига миннатдорчилик туйғуларини билдириш билан бошланади:

«Сизнинг делегациянгизнинг келиши Ленин шаҳри меҳнаткашлари ва Ленинград фронтининг жангчилари учун жуда катта хурсандчилик бўлди. Бу делегация бизга ўзбек халқининг совғаларини олиб келди. Сизларнинг меҳрибонлик билан юборган салом ва табрикларингиз ленинградликларнинг кўнгилларини ғоят кўтариб юборди.

Ленинградликлар Улуғ Ватанимизнинг халқлари ўртасидаги дўстлик ва бирликнинг кучини ва аҳамиятини доимо сезиб келдилар ва сезиб турмоқдалар.

...Биз биламизки, ўзбек халқи учун ҳам совет ерини гитлерчи босқинчилардан тозалаш йўлида курашишдан кўра муқаддасроқ вазифа йўқ. Ўзбекистоннинг минглаб шонли фарзандлари Совет Армияси сафларида душманга қарши қаҳрамонларча курашмоқдалар. Ўзбекистон республикасининг меҳнаткашлари фронт эҳтиёжларини қондириш учун, совет давлатининг ҳарбий қувватини мустаҳкамлаш учун зўр бериб ишламоқдалар»[1].

Ўзбек адабиётида халқимизнинг қаҳрамон шаҳар Ленинградга ҳар тарафлама ёрдами, муҳаббати:

[1] «Шонли Ленинград» тўплами, Т., 1942, 3—5-бетлар.

...Сени деб жанг қилур йигитларимиз,
Сени деб парвона аёллар бунда.
Сени деб заводлар, далалар ишда,
Сени деб бошоқлар товланар кунда...
Чунки дилимизда муҳаббатинг зўр,
Жонлар фидо сенга, она шаҳримиз...
Чунки бизни ўлим ўпқонларидан
Нажот соҳилига олиб чиққан сен —

каби оташин мисраларда берилади. Ўзбек меҳнаткашлари делегацияси составида Ленинградга совға олиб борган шоир Амин Умарий ўзининг «Ленинград — қуёшли Ўзбекистон» шеърида ўзбек халқининг Ленинградга меҳрини, садоқатини бадиий образларда баён этиб берди:

Ленин шаҳри,
Пушкин шаҳри,
Тонг шаҳри,
Меҳнат шаҳри,
Санъат шаҳри,
Жанг шаҳри...
Мардлигингни куйлар менинг Фарғонам,
Менинг халқим сенинг билан ёнма-ён,
Улуғ дўстлик қудратига намоён
Ленинград — қуёшли Ўзбекистон.

СССР халқлари ўртасидаги ажралмас дўстлик, бир-бирига мадад беришдек олижаноб ғоялар Ғафур Ғуломнинг «Сен етим эмассан» шеърида ҳам ўз аксини топган.

«Сен етим эмассан» шеърида бирлик ва қардошлик туйғулари эвакуация қилиб келтирилган болаларнинг ўзбек оилаларида тарбия топиши мисолида тасвирланади. Улуғ Ватан уруши йилларида ота-оналаридан ажралган рус, украин, белорус, эстон, латиш ва литвалик минглаб гўдак болалар мамлакатнинг шарқий районларига кўчириб келтирилди. Улар яслалар ва болалар уйларида парвариш қилина бошланади. Шунингдек, улар олижаноб ватанпарвар ўзбек оилаларида она қучоғида ўсгандек тарбияланадилар. Шоир ана шундай ватанпарвар оилалардан бирида ўсиб, тарбияланаётган гўдакка мурожаат, уни ардоқлаш приёмида СССР даги барча

миллат оилаларининг қардошлиги, дўстлигини таъсирли қилиб бера олган:

Сен етим эмассан —
Тинчлан, жигарим!
Қуёшдай меҳрибон,
Ватанинг — онанг
Заминдай вазмину,
Меҳнаткаш, мушфиқ,
Истаган нарсангни тайёрлагувчи
Халқ бор — отанг бор.
Чўчима, жигарим,
Ўз уйингдасан,
Бу ерда
на ғурбат,
на офат,
на ғам,
Бунда бор:
ҳарорат,
муҳаббат,
шафқат
Ва меҳнат нонини кўрамиз баҳам.

Бу илиқ, меҳрибон сатрларни ўқигач, уруш йилларида 14 болани ўз тарбиясига олган тошкентлик ишчи — темирчи Шоаҳмад Шомаҳмудов ва унинг хотини, шафқатли она Баҳри Акрамовалар оиласидек минглаб совет оилалари кишининг кўз ўнгида гавдаланади.

Шоир Ҳамид Олимжоннинг «Роксананинг кўз ёшлари» балладасида ҳам Совет Иттифоқидаги халқларнинг қардошларча дўстлик ғояси куйланган. Балладада Сора хола, ўзбек чол ва украин аёли Роксана орасидаги самимий дўстона муносабат, меҳр-шафқат ва кўнгил сўраш приёми (усули) орқали халқлар дўстлиги ғояси ифодаланган. Шоир эвакуация билан Ўзбекистонга келиб қолган партизан хотини Роксананинг руҳий кечинмаларини, қайғули юрагини очиб беришга монанд таъсирли сўзлар топа олади. Ўлиб қолган гўдагини оқ рўмолга ўраб олиб, эрта тонг қаерга дафн этишини билмай юрган жувон Роксананинг изтироби шундай берилган:

Эй ўғлим туғилган эл,
Қандай қилай согинсам!
Етармидим мен енгил!
Хаёл қушидай бўлсам.

Лекин мен етолмайман,
Бошимга тоғ йиқилган...
Ҳеч нарса деёлмайман
Бу кеча... Вова... ўлган.

Онанинг фарёди шоир томонидан юқоридагидек мунгли, таъсирли тасвирланади. Лекин Роксананинг ёлғиз азоб чекиши узоққа бормайди, «мусулмонлар боламни қўярми ўз ерига» деган шубҳаси тезда тарқалади. Қабристондан чиқиб келган кекса ўзбек гўрков унга таскин беради:

Билсанг, менинг ўғлим ҳам
Қолди сенинг ерингда.
Бор менинг ҳам бир қабрим
Сенинг севган элингда.
Бу уруш кўп халқларнинг
Озорини ҳам қўшди,
Тақдирини қилди тенг,
Мозорини ҳам қўшди.

Мўйсафид ва қўни-қўшнилари билан биргаликда йиғлаб келган Сора украин қизи Роксананинг «мусофир»лигини билдирмайди унга далда беради. Даставвал шубҳа ва изтиробда қолган жувоннинг кўнгли таскин топади.

Аммо шоир реал воқеликни, Роксананинг психологиясини асосан моҳирлик билан чизиб берса-да, асарнинг айрим ўринларида асосий ғояга путур етказувчи поэтик ибораларни қўллайди, ҳаққонийликдан чекланади. Масалан: «Бу тупроқ энди сенга, она қизим, ёт эмас» деган сатрни ўқиган кишида: «Урушдан аввал ёт эдими, агар Роксана тинчлик йиллари Ўзбекистонга келиб қолган бўлса ва шундай бахтсизликка учраса, маҳаллий аҳоли унга кўмаклашмасмиди?»— деган савол туғилади. Иккинчидан, балладада Роксананинг дастлабки пайтларда ўзи истиқомат қилиб турган ўзбек қишлоғининг кишиларига ишончсизлик билан, ётсираб қараши ҳаддан ташқари бўрттириб кўрсатилган. Бунинг натижасида Роксананинг кўчиб келганда колхоз қишлоғи кишиларининг самимий кутиб олганликлари ўқувчи учун қоронғи бўлиб қолади. Лекин бу камчиликларга қарамасдан, Ҳамид Олимжоннинг «Роксананинг кўз ёшлари» балладаси

уруш даврида халқлар дўстлиги темасида ёзилган ғоявий-бадиий жиҳатдан етук поэтик асарлардандир.

Совет ватанпарварлиги ва пролетар интернационализми ғоялари Ғафур Ғуломнинг «Мен яҳудий» (1941) шеърида фашизм «ирқий назария»сини фош этиб ташлаш асосида берилади. Шеър икки қисмдан иборат: биринчи қисмда автор узоқ қадимий-тарихий воқеа ва ҳодисаларни хотирлатади. Иккинчи қисмда эса автор Европада «янги тартиб» ўрнатиб, унинг бошига «тоза қонли герман»ни қўймоқчи бўлган гитлерчи одамхўрларнинг реакцион идеологияси маъносини аёвсиз очиб ташлайди. Қутуриб, бошқа миллатларга ҳужум қилган гитлерчиларга шоир қаттиқ зарба бериб, социалистик гуманизм идеяларини куйлайди. СССР да ҳамма халқларнинг тенглиги, бир қардош оилага бирлашгани тўғрисидаги ғоя асарнинг негизини ташкил этади.

Шеърда Совет Иттифоқидаги барча халқлар, шу жумладан, совет гражданлари бўлган яҳудийлар гитлерчи босқинчиларга қарши Улуғ Ватан урушига отлангани ҳақидаги ғоя шундай образларда берилади:

Сен сифлис тумшуқни,
Суқмоқчи бўлиб,
Тўрт оёқлаб
Урнингдан қўзғалган чоғи,
Заҳарли найзага айланиб кетди,
Бизнинг бадандаги
Ҳар бир тола мўй.
Қўзғалди бутун халқ,
Улуғ рус,
украин,
ўзбек,
яҳудий...

«Мен яҳудий» шеърида шоир асарнинг мазмунига қараб ёркин бадиий ифодалар топган. Шеър оригинал ўхшатиш, истиора, ирония ва бошқа мажозларга мўл.

Аммо Ғафур Ғулом бошқа ҳамма халқлар каби яҳудий халқларининг кишилик тарихида ўйнаган буюк ролини кўрсатар экан, тарихий экскурсияга берилиб, ортиқча деталларга ўралашиб қолади. Бунинг оқибатида яҳудий анъаналари, «товрат» ҳақида бир ёқлама, муболағали характеристика берилади.

Хулоса қилиб айтганда, ўзбек шоирларининг Улуғ Ватан уруши йилларида ёзган энг яхши поэтик асарларида, шеърий чақириқ — жанговар шиордан тортиб балладаларгача, қўшиқ ва лирик саломномадан тортиб катта сюжетли шеърларгача, рубоийдан бошлаб коллектив равишда ёзилган катта шеърий мактубларгача, ҳамма асарларда коммунистик партиявийлик принципи байроғи баланд кўтарилади.

В. Маяковскийнинг «Истардимки, қалам тенг бўлсин найзага» каби оташин мисралари бу давр поэзиясининг йўлчи юлдузи бўлиб қолди. Ҳарбий давр поэзиясидаги тематика, образлар ва индивидуал стилнинг ҳар хиллигидан қатъи назар, бундай асарлар бир асосий мақсадга қаратилган — душманни тор-мор келтириш ва Совет Ватанининг озодлигини сақлаб қолиш идеяси билан суғорилган эди.

* * *

Ўзбек адабиётида, жумладан, ўзбек прозасида яратилган меҳнат кишиси образлари ҳам халқимизни колхоз, совхоз далаларида, корхоналарда янги-янги зафарларга етаклашда зўр тарбиявий аҳамиятга эга бўлди. Абдулла Қаҳҳор, Ғ. Ғулом, Р. Файзий ва бошқа ёзувчиларимизнинг ҳикоя ва очеркларида социалистик мусобақа асосида пахтадан мўл ҳосил етказган, саноатда кўплаб маҳсулот ишлаб чиқарган, ёшу қари эркакнинг ўрнини босган, янги-янги ихтисосликни эгаллаб,трактор ҳайдашни, паровоз бошқаришни ўрганиб олган хотин-қизлар ва ўсмирлар образи берилди.

Фронтга жўнаган эрининг ўрнини босиб, тракторчи бўлиб олган Собирахон (Абдулла Қаҳҳор, «Хотинлар»), жангчи ёрига юзта гитлерчини қириб ташлаш топшириғини берган пахтакор меҳрибон қиз Шаҳриниса (Абдулла Қаҳҳор, «Сеп»), пахтадан юз центнердан ҳосил олиш учун курашиб, Фарҳод қурилишида донг қозонган эри Болтабой билан мусобақа боғлаган — бас бойлашган Иноятхон (Ғафур Ғулом, «Эри билан бас бойлашган хотин» очерки), эркакларнинг ўрнини босиб, икки-уч киши учун пахта майдонида фидокорона меҳнат қилган пахтакор қизлар (Ойбек, «Фидокор қизлар» очерки), паровоз машинисти Салтанатхон (Ойдин, «Эр юрак»), вафодор қиз Малоҳат (Ойдин, «Асл ёр»), Фарҳод ГЭСга

CamScanner

келиб, электротехниклик касбини эгаллаган оддий колхозчи Сафарали (Ойдин, «Келин ўғил туғипти»), «Юрагида ўти бор» пахтакор комсомол қизлар (Ойдин Собированинг шу номли ҳикоясида), темир йўл ишхонасида оғир ремонт ишини бажарган комсомол йигит Ҳакимов (Ойдин, «Ирода»), Фарҳод ГЭСининг кекса қаҳрамони, меҳнатсевар колхозчи Норбобо Жўраев (Ойдин, «Ширинга мактуб»), ГЭСнинг ёш фронтовик қаҳрамони, «Фарҳод» лақабига муносиб колхозчи йигит Холматжон (Р. Файзий, «Мисоли Фарҳод» очерки), колхознинг яхши агитатори, кекса колхозчи, чойхоначи Асрор бобо (Абдулла Қаҳҳор, «Асрор бобо») каби образлар ана шулар жумласидандир.

Пенсионер қарилар ҳам ғайратлари ошиб, фидокорона ишладилар, меҳнат вахталарида турдилар. Мингларча ўзбек хотин-қизлари янги-янги мутахассисликни эгалладилар. Масалан, урушнинг биринчи йилларидаёқ Ўзбекистон хотин-қизларидан 12 минг киши ишлаб чиқариш малакасига эга бўлиб, трактор ҳамда автомашиналарни ҳайдай бошлаган эди.

Абдулла Қаҳҳорнинг «Хотинлар» ҳикоясидаги Собирахон образида янги касб эгаллаган, фронтга кетган эрларининг ўрнини босган хотин-қизларнинг умумлаштирилган образи берилган. «...Мен сизга айтсам, отажон, урушдан илгари биздан хомлик ўтган экан: уй қилибмиз, рўзғор қилибмиз; ўртоғим катта-катта топиб келганига, мен яхши-яхши тикканимга, пиширганимга хурсанд бўлиб юра беribмиз. Шу билан «уй қизи» бўлиб қола бердим...» деб ҳикоя қилади Собирахон. Уни қишлоқ Советининг раиси Комила хола МТСга ишга киришга даъват этади. Ватанпарвар аёлнинг жангчи эри ёзган мактубларидан бирида: «...Шу минутда Сиз нима қилиб ўтирган экансиз?» деб сўрайди. Фронт қаҳрамонининг бу сўзлари меҳнатга чақириш эканини Собира жуда яхши тушунади ва илғор трактopчи бўлиб етишади. Ҳикояда Баҳри ва унинг севган йигити — бир солдат орасидаги ёзишма ҳам тасвирланади ҳамда илғорлар қаторида меҳнат қилиб мукофотланган Баҳрихоннинг ички кечинмалари берилади. Асарда Комила хола, Собирахон ва Баҳри образларига салбий образ — Умри қарама-қарши қўйилади. Енгилтабиат Умри жангчи эридан бир ярим ой чамаси хат келмагач, вафосизлик, ҳаёсизлик йўлига кириб кетади. У асардаги ижобий персонажлар тили билан

ҳам фош этилади. Унинг колхоз меҳнатидан қочиб, саёқ йўлга кириб кетгани жамоатчилик томонидан қаттиқ қораланади.

Ойдин Собированинг «Эр юрак» асарида Улуғ Ватан уруши даврида паровоз машинисти — эрининг қаторида туриб ишлаган, машинистликни ўрганиб олган Салтанатхоннинг темир йўлчилар ташаббусига қўшилгани ҳикоя қилинади. Салтанатхон ва унинг эри Аҳмаджон машинист мутахассис Семёнов ва Ивановаларнинг шогирдларидир. Салтанатхон фронтга сафарбар қилинувчи эрининг ўрнини босиш учун ҳаракат қилади. У депога киради, юк составларини бошқариб бораётган Аҳмаджоннинг энг яхши ёрдамчиси бўлиб қолади. Ҳикояда Иванова, Семёнов ва Салтанатхон ҳамда Аҳмаджонлар орасидаги ўртоқлик, ҳамкорлик, уста-шогирдлик ҳурматини кўрсатиш орқали халқлар ўртасида Ватан уруши шароитида янада мустаҳкамланиб бораётган дўстлик ғояси илгари сурилади. Асар қаҳрамони Салтанатхон рус машинистларининг ғамхўрлигида моҳир довюрак машинист бўлиб етишади. У эрини фронтга кузатиш тайёргарлигини кўрар экан:

— Мен эртага машинистлик қоғозини оламан, Аҳмаджон акамнинг паровозини ўзим ҳайдаб кетаман. Шунга рухсат беришингизни сўрайман,— дейди.

Асарда Салтанатхоннинг онаси Нусрат хола, Иванова ва Семёнов образлари орқали ҳам уруш даврининг ватанпарвар кишилари тасвирлаб берилгандир.

Ёзувчи Ғулом Ғафур душманни фош этувчи сатирик новеллалар ёзди. Унинг латифалари халқ оғзаки ижодиётидаги Насриддин афанди латифаларининг шаклидан фойдаланиб ёзилган. Фронтда иштирок этган ёзувчи Ғулом Ғафур гитлеризмнинг кирдикорлари ҳақида аччиқ кулгига сабаб бўладиган латифаларидан бирида Гитлер ва унинг атрофидаги ёвузларни сатира найзасига санчиб, шундай тасвирлайди:

Гитлер ўларча тажанг ҳолда тишини ғижирлатиб туриб, бош қўмондонга қаради:

— Икки ойда икки миллиондан ошиқ солдат ва офицерларнинг қирилиб кетгани учун нима дейиш керак?

Қўмондон жавоб берди:

— Уйдаги гап бозорга тўғри келмайди дейиш керак.

Гитлер сапчиб туриб қичқирди:

— «Яшин тезлигида» урушиш тўғрисидаги йўл-йўриқ қаерда қолди?

Қўмондон қорнини қашиб жавоб берди:

— «Яшин тезлиги» шу-да, икки ойда шунча армиямиз қирилганидан кейин, тағин онамизнинг ҳақи қоладими?»[1]

Ғулом Ғафурнинг «Лаҳатдан овоз» ва «Фронтдан хат» каби[2] кичик фельетонларида совет жангчилари зарбасидан зада бўлган, ўзининг Россия тупроғидан омон-эсон кета олишига кўзи етмай қолган душман офицер ва солдатларининг хатти-ҳаракати, ўлим талвасасидан аччиқ истеҳзо билан кулинади.

Фронтда нашр этилган ўзбек газеталарида ҳам сатирик материаллар тез-тез босилиб турди. Уларнинг авторлари — оддий солдатлар ва офицерлар эди. Масалан, иккита фронт газетаси («Қизил Армия» ва «Қизил Армия ҳақиқати»)ни олиб қарайлик. Уларда кўп қизиқ, ўткир сатирик асарларни учратиш мумкин. «Тотал фриц», «Немис окопида», «Насриддин афанди Берлинда» латифалари («Қизил Армия» газетаси), «Фронт ҳангамалари» ва «Насриддин афанди» рубрикасида чиққан латифа, шеърий — сатирик текстли карикатуралар («Қизил Армия ҳақиқати» газетаси) жангчиларни душман устидан аччиқ-аччиқ кулдирар ва унга нафрат уйғотар эди. «Қизил Армия ҳақиқати»да Геббельснинг чуви чиққан ёлғон пропагандаси ўткир сатирик тилда Насриддин афанди образи воситасида фош этилади: Насриддин афанди эшагига миниб, душман дивизиясида айланиб юради. Шу куни афандининг эшаги бир марта ҳам ҳанграмади, гитлерчи солдатлар афанди эшагининг жаҳлини чиқариб, уни ҳангратиш учун ўзлари ҳанграшади. Шунда ҳам эшак ҳанграмади. Бундан таажжубланган гитлерчи солдатлар:

— Афанди, эшагингиз нима учун ҳанграмайди?— деб сўрадилар.

— Эшагим учун ҳам Гиббельс ҳанграяпти-ку,— деб жавоб беради[3].

Бундай сатирик асарларни ўзбек жангчилари учун чиққан «Ватан шарафи учун», «Бонг», «Ватан учун», «Суворовчи», «Совет жангчиси» каби ўнга яқин газеталарда ва Туркистон Ҳарбий округининг органи «Фрунзевец» газетасида ҳам кўриш мумкин.

Абдулла Қаҳҳорнинг «Кўк конверт» асаридаги гвардиячи сержант Эркабой Мирзаев, медицина ҳамшираси Латофатхон образларида, «Қизил конверт» ҳикоясининг қаҳрамони солдат Ҳайитбой Бадалбоев ва «Сеп» ҳикоясидаги жангчи Шерали образларида ҳам фронт қаҳрамонларининг кураши, ҳиссиётлари, юксак ватанпарварлик фазилатлари тасвирланади. Эркабой, Латофатхон, Шерали ва бошқа образлар ўзбек совет прозасида уруш даврининг типик қаҳрамонлари образи бўлиб, улар воситасида фронт ва қисман мамлакат ичкарисидаги ҳаёт реалистик картиналарда берилади.

* * *

Улуғ Ватан уруши йилларида совет драматургияси ва театр санъати ҳам халқни ватанпарварлик, қаҳрамонлик руҳида тарбиялашда катта роль ўйнади.

Театр коллективлари стационар шароитда янги, патриотик репертуар яратишда давом этдилар. Шу билан бирга, мамлакатдаги театрлар ва айрим концерт бригадалари фронтларнинг олдинги линияларида, ҳарбий госпиталларда, ҳарбий қисмлар таълим олаётган жойларда спектакль ва концертлар қўйиб турдилар. Бевосита фронтларда, жанговар вазиятда 473 спектакль ва концерт уюштирилди. 3685 та артист бригадалари фронтларда бўлиб, уларда 42 минг театр ходими иштирок этди[1].

Ўзбек театр, концерт бригадалари ҳам фронтларда бадиий хизмат қилдилар, республиканинг колхоз-совхозларида, завод-фабрикаларида кўплаб спектакль ва концертлар ташкил қилдилар. Фронт ва мамлакат ичкариси кишиларининг қаҳрамонона ишлари билан танишув, республика театрларига ўз репертуарларини янги, замонбоп асарлар билан бойитишга ёрдам қилди.

Бу даврнинг ўзбек драматургиясига хос бўлган бир хусусиятни алоҳида кўрсатиб ўтиш зарур. Ундаги кўпчилик асарларда фронт ва мамлакат ичкарисидаги ҳаёт узлуксиз алоқадор қилиб кўрсатилади. Яъни бир неча

---

[1] Ғулом Ғафур. Ғазаб қўшиқлари. Латифалар. «Эстрада» тўплами, Ўздавнашр, Тошкент, 1943, 112—113-бетлар.

[2] «Қизил Ўзбекистон», 1941 й., 17 ва 20 август.

[3] «Қизил Армия ҳақиқати». Ғарбий фронт қизил аскарлари газетаси, 1944 й., 18 январь.

[1] Бу рақамлар «Очерки истории русской советской литературы» китобидан олинди (Вторая часть, Москва, 1955, 183-бет).

парда ва кўринишларда жангчи-қаҳрамоннинг фронтдаги хатти-ҳаракатини кўрсатиш орқали унинг характери очилса, яна бир-икки парда ёки кўринишларда ўша қаҳрамоннинг қишлоғи, шаҳари ёки оиласида бўлаётган воқеа-ҳодисалар тасвирланади ёки, аксинча, воқеа мамлакат ичкарисида бўлиб ўтаётганлигини кўрсатиш мақсад қилиб қўйилса (бу драматургнинг муддаосига боғлиқ), у ҳолда бош қаҳрамоннинг фронтда жанг қилаётган киши-си (ёри, отаси, акаси ва ҳоказо) билан муносабати турли бадиий приёмларда очилади. Бу хусусият ўзбек драматургларининг ҳамма асарлари учун умумий схема эмас, албатта.

Ўзбек жангчиларининг образлари кўрсатиб берилган асарлар орасида Комил Яшиннинг «Ўлим босқинчиларга» асари диққатга сазовордир. Драматургнинг асосий мақсади Улуғ Ватан уруши йилларида қардош украин халқининг ерларини фашист босқинчилардан ҳимоя этишда ўзбек халқининг ҳам иштирокини акс эттириш, СССРдаги халқларнинг бузилмас дўстлигини кўрсатишдир. Шунингдек, драматург ўз асарида тарих фани профессори, украин халқининг содиқ фарзанди Москаленко оиласи билан гитлерчи босқинчилар ўртасидаги антагонистик конфликт асосида икки хил дунёқарашни, идеологик курашни тасвирлайди, гитлеризмнинг жирканч «ирқий назарияси»ни фош этади.

Асарда Қамбар, профессор Москаленко ва унинг қизи Оксана образларида совет гуманизми, халқлар дўстлиги ва ватанпарварлиги ғоялари ҳам ёрқин ифодаланган.

Совет Армияси қаҳрамонлиги ҳамда халқ қасоскорлари — «Ўлим босқинчиларга» шиори билан ҳаракат қилган партизанларнинг мардонавор ҳаракати асар сюжетининг муҳим қисмини ташкил этади.

Драмада асосий конфликт — социализм кишилари билан фашист босқинчилар орасидаги кескин кураш революцион ривожланишда берилади ва тўғри ҳал этилади; прогрессив куч вакиллари — социалистик жамият кишиларининг ўз она-Ватанларини ҳимоя қилиш учун олиб бораётган адолатли уруши албатта ғалаба қилади, деган фикр асар мундарижасининг бошидан охиригача сингдирилгандир. Совет кишилари вақтинчалик мағлубиятлар билан ўзларини енгилган деб ҳисобламайдилар, оптимистик кайфият уларда доимо ҳукмрондир. Улар янгиликларнинг эскилик, прогрессив кучларнинг

реакцион кучлар устидан ғалаба қилишига, ҳақ ҳақсизликни, адолат адолатсизликни ҳеч шубҳасиз енгишига қатъий ишонган. Зотан, Коммунистик партия уларни худди шу руҳда тарбиялаган. Улар бу оғир кураш бошида синалган, халқ муҳаббатига сазовор бўлган партия турганини жуда яхши биладилар. Москаленко, Оксана ва Қамбарлар ана шундай миллион-миллион кишиларнинг умумлашган образларидир.

Пьесанинг бошида совет кишиларининг тинч ва бахтиёр ҳаёти, халқларнинг қардошларча муносабати, Москаленколар оиласидаги дўстлик ва осойишта шароит, Совет Армияси лейтенанти Қамбар билан Оксана ўртасидаги самимий севги-муҳаббат картиналари орқали берилади. Гитлерчи босқинчилар мана шу фаровон, тинч ҳаётни бузадилар. Улар оламга машҳур тарих профессори Москаленко ҳамда унинг «юраги кичкина», «юмшоқ кўнгил», «мусичадай беозор», «скрипкани эшиб чалувчи» қизи Оксананинг тинч ҳаётини издан чиқарадилар. Гитлер генерали, СС жазо отрядининг бошлиғи фон Келлер профессор Москаленко билан маккорларча муомала қилар экан, сохта юмшоқлик кўрсатади, аммо ўзининг жирканч идеологиясини яширолмайди, «...ҳамма гап ирқда... Биз виждон деб аталган мавҳум нарсадан одамни қутқарамиз. Бизнинг қонунимиз — қон, уруш, куч!»—дейди у. Фон Келлер профессорга Ватанни, Украинани сотиб, «Европада янгича тартиб» ўрнатувчи гитлерчиларга хизмат этишни таклиф қилади. Москаленкодан рад жавобини эшитгач, ўзининг ҳақиқий башарасини очиб, қонхўрлик қилади. Профессорнинг кўзларини ўйиб олади, кичик қизи ва хотинини ваҳшийларча ўлдиради.

Оксана ҳамда яралор бўлгани учун жанг билан чекинган, армия қисмидан ажралиб қолган Қамбар босқинчилардан қасос олиш мақсадида биргаликда кураш бошлайдилар. Ўзбек йигити Қамбар биринчи бўлиб душманнинг ўқ-дори омборини ёндиради. Кўр бўлиб қолган профессор — ота олдида икки севишган ёш қасам ичиб, душманга қарши кучли партизанлар отряди тузадилар. Қамбар украин йигити Антон Данило билан биргаликда душман орқасида разведка ишларини олиб боради. Лейтенант Қамбар «Ўлим босқинчиларга» отрядининг командири Оксананинг содиқ маслаҳатчиси, ёрдамчиси, қаҳрамон разведкачи сифатида ерли халқ ўртасида шуҳрат қозонади, зўр обрўга эга бўлади.

CamScanner

Халқ қасоскорлари — партизанлар гитлерчиларнинг жазо отрядига бирин-кетин зарба бера бошлайдилар.

Драманинг бешинчи кўринишида Қамбарнинг фон Келлер билан диалоги орқали ўзбек йигитининг юксак ватанпарварлик фазилати янада яққол кўрсатилади:

Фон Келлер. Сен биз билан нима учун курашасан?

Қамбар. Ватан учун!

Фон Келлер. Бу ер Украина. Украина сенинг Ватанинг эмас.

Қамбар. Украина учун курашаман. Жонажон Украинада туриб, серқуёш Ўзбекистоним учун, ўзбек халқининг қаддини кўтарган Қизил Москва учун... курашаман.

Ўзбек халқининг фронтдаги ўз фарзандларига ёзган хатида ҳам шундай дейилган эди:

«... Сенинг аканг бўлган руснинг уйига, қардошинг бўлган белорус ва украиннинг уйига герман каллакесари бостириб кирдики, у сариқ вабонинг келтиргани: дор ва ҳамчи, очлик ва ўлим, ҳақорат ва қирғиндир. Лекин руснинг уйи — сенинг уйинг, украин ва белоруснинг уйи — сенинг уйингдир. Чунки СССР шундай бир иттифоқ-оиладирки, бу оиланинг ҳар бир аъзоси ўз хонасида турса ҳам ҳовли ва қўра, тирикчилик ва рўзғор жиҳатидан шерикдир. Ҳар бир дўстона оилада низо бўлиши мумкин бўлмаганидек, совет халқларининг оиласи ҳам бир тан ва бир жондир»[1]. Ўзбек жангчилари бундай хатларга ҳар қайси фронтдан жавоб қайтардилар. Уларнинг жавоб хатларидан бирида: «Сизнинг мактубингиз қизил аскарларни янада руҳлантириб юборди, қалбларимизда Ватанимизга ҳужум қилган лаънати душманга бўлган ғазаб ўтлари яна ҳам аланга олиб кетди»,— дейилган эди. Ленинград фронтида ўзбек жангчиси Тўйчи Эрйигитов жанглардан бирида рус жангчиси Александр Матросовнинг буюк қаҳрамонлигини такрорлади. У гитлерчилар пулемётининг оғзини ўз танаси билан қоплади ва ҳаётини фидо қилиб, қўшинларнинг олдинга юришига йўл очди. Худди шундай жасурликни бошқа фронтларда Рустам Ҳошимов ва Карим Султонов, Тоштемир Рустамов ва Абдроров каби ўзбек жангчилари такрорладилар. Белоруссия ўрмонларида партизан Мамадали Сотиболдиев отряди гитлерчиларга қирғин солди. Бу отряд аъзоларига Совет Иттифоқи Қаҳрамони деган унвон берилди.

[1] ЎзССР Октябрь революцияси Марказий давлат архиви, 1735-фонд, 1-рўйхат, 1-дело, 13-варақа.

«Ўлим босқинчиларга» драмасидаги Қамбар образи ҳам худди ана шу реал кишиларнинг умумлашган образидир. У Украина партизанлари ўртасида қаҳрамонлик кўрсатади. Унинг украин қизи Оксанага, украин ерига муҳаббати эса она-Ватанга муҳаббатдан, садоқатдан келиб чиққанлиги асарда ҳаққоний кўрсатилган.

Улуғ Ватан уруши йилларида Туйғун ва Амин Умарийларнинг «Қасос» (1941, декабрь) пьесаси ҳам ўзбек театрлари саҳналарида қўйилди. Гитлерчи босқинчиларга қарши кескин курашда рус йигити Ковалев, украиналик Чумаклар билан бир қаторда ўзбек йигити Элёр ҳам фидокорона қатнашганлигини авторлар бу пьесада кўрсатишга уринадилар. Украинадаги партизанлар ҳаракатига бағишланган бу асарда лейтенант Элёр асосий ўринни эгаллайди. У Қнорин бошчилигидаги партизанлар отрядида энг илғор, мард жангчилардан саналади. Элёр украин йигити Чумак билан бирга разведкада энг оғир топшириқларни бажаради, душманни тор-мор этиш, душмандан қасос олиш учун қасам ичади:

Ваҳшийларнинг тўдасин бағрин чок этсам тамом,
Бахтига етказмайин, жонин ҳалок этсам тамом.

Асарда украин қишлоғидаги халқнинг ватанпарварлиги, душманга таслим бўлмаслиги Катя (Элёрнинг хотини), Соня, Опанас каби персонажлар воситасида кўрсатилади. Лекин асарда асосий образлар ҳар томонлама, тўлақонли бўлиб чиққан эмас. Драмада схематизм кучли, қаҳрамонларнинг характери очилмайди, душманни енгиш иши осон, деб ўйланади. Бунинг оқибатида ижобий қаҳрамонларнинг жанговарлик хусусиятлари аниқ кўринмайди.

«Ўзбекистон қиличи» (Николай Погодин, Ҳамид Олимжон, Уйғун ва Собир Абдулла) музикали драмасида ҳам ўзбек жангчисининг образи яратилади, фронт билан мамлакат ичкарисининг алоқаси тасвирланади. Ватан уруши фронтларида қатнашувчи лейтенант Арслон ўзбек отлиқ қисмини уюштириш учун ўз юртига келади. Ўзбек йигитлари зўр руҳий кўтаринкилик билан қизил байроқ остига тўпланадилар. Драманинг тўртинчи кўринишидаги йигитларни фронтга кузатиш картинаси анча

дуруст ёзилган. Унда авторлар бой фольклор материалларидан, ўзбек халқ қаҳрамонлик достонларининг руҳидан ижодий фойдаланганлар. Айниқса, Арслоннинг онаси Сора, севгилиси Юлдуз ариялари, қиз-йигитлар хори жозибалидир.

Бироқ Алишер Навоий номли Ўзбек Давлат опера ва балет театрида саҳнага қўйилган бу пьеса ғоявий-бадиий жиҳатдан етук бўлмагани туфайли, томошабинлар талабига тўла жавоб бера олмади.

Ватан уруши даврида адабиётда учраган камчиликлар фақат кўпгина асарларнинг шошилиб, хом ишланганлигидагина эмас эди. Ўзбек совет ёзувчиларининг айрим асарларида (Уйғун, Собир Абдулла, Зулфия, Ислом шоир Назар ўғлининг баъзи шеърларида) ўзбек жангчиларининг замонавий образини яратиш ўрнига мифик ва халқ қаҳрамонлик достонларидаги тайёр поэтик образларни механик равишда ҳозирги замон қаҳрамони тасвирига кўчириш ҳоллари бўлди. Юксак ҳарбий техникани эгаллаган ўзбек тўпчилари, танкчилари, учувчилари, миномётчилари, пулемётчилари ва мураккаб ҳарбий тактика ҳам стратегияга амал этувчи билимли командирлари бир қанча асарларда «фарҳодлар», «гўрўғлилар», «алпомишлар», «рустамлар»га айнан ўхшатилди. Бу бир томонламалик олий ғоялар учун курашувда малакаси, техникаси, ахлоқий ва идеологик савияси гоят баланд Совет Армияси кишиларининг образларини чизиб бериш учун етарли бўлмас ва ҳатто бу образларни пасайтириб юборар эди. Иккинчидан, кўпгина шеърларда совет жангчиларининг қўлидаги қуролни қилич, найза билангина чегаралаб кўрсатиш, уларни «тулпор», «ғирот»ларгагина миндириб тасвирлаш ҳам фронт ҳаётини юзаки тасвирлашга олиб борди.

Улуғ Ватан уруши даврида яратилган «Даврон ота», «Офтобхон» (Комил Яшин асарлари) каби драматик асарларда ҳам ўзбек халқининг уруш йилларидаги ҳаёти, меҳнат соҳасидаги кураши реалистик картиналарда берилиши билан томошабин диққатини ўзига тортган эди. «Бор ўғлим, душманни янчиш учун, бизнинг бахтимиз учун бор»,— дейди кекса ишчи Даврон ота ўғли Мардонни фронтга жўнатаётиб. Даврон ота билан рус ишчиси Шаров узоқ йиллар бирга ишлашиб, қадрдонлашиб кетадилар ва қуда бўладилар. Мардон жангда қаҳрамонларча ҳалок бўлади. Эрта-кеч заводда стахановчилик

вахтасида туриб ишлаган Даврон ота дўсти Шаров билан маслаҳатлашиб, кичик ўғли Аббосни (Шаровнинг куёви) фронтга жўнатишга аҳд қилади. Даврон ота Аббосга оталарча насиҳат қилиб:

Мард фарзанди эмассан, жон учун жон олмасанг,
Биздан эрмассан, аканг қонин чаққон олмасанг,—

дейди. Музикали драма «Даврон ота» асарида кекса ишчи Шаров оиласи билан Даврон ота оиласидаги дўстона муносабатлар орқали автор халқлар дўстлиги ғоясини яхши тасвирлай олган. Шунингдек, ишчи оиласининг аъзолари — Тилла хола, Мардоннинг хотини Муҳаббат, Аббоснинг хотини Наташа каби персонажлар орқали урушнинг бутун оғирликларига сабр-тоқат қилиб, Ватан учун жонини фидо қилишга тайёр турган совет кишиларининг характерини очиб беришга ҳаракат этилади.

Комил Яшиннинг «Офтобхон» пьесаси (1943) уруш даврининг йирик ва муҳим асарларидандир. Драманинг бош қаҳрамони Офтобхон — Улуғ Ватан уруши даврида қаҳрамонлик намуналарини кўрсатиб меҳнат қилган, мамлакатга кўплаб пахта етказиб бериш учун курашган хотин-қиз колхозчи пахтакорларнинг типик образидир. Колхозчилар қишлоқ хўжалик ходимлари уруш вақтидаги оғир кунларда далаларда ҳормай-толмай ишладилар, армиямизни ва аҳолини озиқ-овқат билан таъмин этдилар, фронт манфаатлари учун хом ашё етказиб бердилар.

Драмадаги Офтобхон, кекса колхозчилардан Деҳқонбой, Саримсоқ ота, собиқ фронтовик, пахта бригадасининг бошлиғи Норбўта, тракторчилардан Розиқ, Адолат ва бригадир Роҳатой каби образларда колхозда ҳормай-толмай ишлаётган совет деҳқонлари берилади. Асосий қаҳрамон — колхоз раислигига кўтарилган Офтобхон, пахтакор аёллардан Роҳатой, Адолат ва Офтобхоннинг онаси Хайри хола образларида эса ҳамма қийинчиликларга мардлик билан чидаб, Совет Армияси жангчиларининг қаҳрамонона зафарларига мадад берган хотин-қизларнинг вакиллари берилгандир.

Колхозчилар, республика қурултойида пахта планини, албатта, бажариш учун қасамёд этган минглаб пахтакорлардан бири, колхоз раҳбари Офтобхон ўз колхозининг аъзолари, фронтдан ярадор бўлиб қайтган

Норбўталар билан бирга пахта далаларида тер тўкиб меҳнат қиладилар. Офтобхон меҳнат соҳасида ғалабадан ғалабага эришувдек муқаддас ишни биринчи ўринга қўяди. Шунинг учун ҳам ҳатто севгили эри Темиржоннинг фронтда ҳалок бўлиши ҳақидаги мудҳиш хабар ҳам, коллектив ишига зарба беришга уринган Тўлаганов ҳамда колхоз правление раиси ўринбосари Жумабой кабиларнинг ножўя хатти-ҳаракати ҳам Офтобхонни асосий мақсаддан чекинтира олмайди. У барча машаққатларга чидайди, колхоз душманларининг хуружларига қарши кураш билан зарба беради. Офтобхонни партия шундай руҳда тарбиялаган. Драмада колхоз ишига Коммунистик партиянинг раҳбарлиги, колхоз кадрларини тарбиялашдаги зўр ғамхўрлиги район партия комитетининг секретари Қосимов образида мужассамлашган.

Асар учун танлаб олинган конфликт ҳаққонийдир, у ҳаётий ҳақиқатга мос равишда ривожлана боради. Офтобхон бошлиқ бутун колхоз жамоатчилиги Тўлаганов ва Жумабойларга зарба беради, уларнинг таъсирига тушиб қолиб, ялқовлик, ишбузармонлик қилган кишиларни коллектив соф виждонли ва ғайратли этиб қайта тарбиялайди.

Офтобхон раҳбарлик қилган «Намуна» колхозининг аъзолари фидокорона меҳнат қилиб, Коммунистик партия, она-Ватан олдида ваъдаларини шараф билан бажарадилар.

* * *

Уруш даврида Совет Иттифоқидаги халқларнинг қаҳрамонона ўтмишини, ҳурриятпарварлик традицияларини, бой маданий тарихини бадиий картиналарда кўрсатиб бериш орқали СССР гражданларини Улуғ Ватан урушида ғалаба қозонишга илҳомлантирувчи асарлар яратиш ҳам совет ёзувчиларининг шарафли бурчларидан бирига айланди. Бу даврда машҳур рус ёзувчиси Алексей Толстой тарихий темада Иван Грозний ҳақидаги пьесасини ёзди, «Пётр I» трилогиясининг учинчи китобини ёзишда давом этди. В. Шишков «Емельян Пугачёв» деган тарихий романини уруш йилларида ёзиб тамомлади ва нашр эттирди. Умуман, рус совет адабиётида улуғ рус халқининг қаҳрамонона ўтмиши тўғрисида кўплаб асар яратилган эди.

Улуғ Ватан уруши йилларида Ойбек, Ҳамид Олимжон, Уйғун ва Иззат Султонов каби ёзувчилар ўзбек халқининг тарихий ўтмиши темасида йирик асарлар ижод этдилар. «Навоий» (Ойбек) романи, «Алишер Навоий» (Уйғун ва Иззат Султонов), «Муқанна» (Ҳамид Олимжон), «Бургутнинг парвози» (Иззат Султонов) драмалари, «Маҳмуд Торобий» (Ойбек либреттоси) асарлари ва шунга ўхшашлар уруш даври ўзбек совет адабиётида янги ҳодиса эди. Бу асарларда ёзувчилар тарихни социалистик реализм принципи, марксизм-ленинизм таълимоти асосида бадиий бўёқларда кўрсатишга ҳаракат этадилар.

Уруш даврида яратилган тарихий темадаги асарлар ҳам халқни душманга қарши курашга ғайратлантирувчи омиллардан бири бўлди. М. И. Калинин 1943 йилнинг август ойида фронт агитаторлари билан суҳбатда бундай деган эди: «Ҳар бир одам, шу жумладан, руслар ҳам ўз миллати билан фахрланади, фахрланмаслиги мумкин ҳам эмас, у, ахир, ўз халқининг ўғли-ку! Шу момент жуда муҳим, жуда катта аҳамиятга эга ва агитация ишида уни доимо назарда тутиш керак. Одамларимизда совет ватанпарварлигини, миллий ифтихорни тарбияланг, ҳар бир жангчига унинг халқидаги қаҳрамонона анъаналарни, унинг халқининг ажойиб эпосини, адабиётини, улуғ одамларини — саркардалари ва лашкар бошиларини, халқ оммасини озод қилиш учун курашчиларини эслатиб туринг».

Ўзбек ёзувчилари ҳам совет ватанпарварлиги ва миллий ифтихорни тарбиялайдиган асарлар ёзишга аҳамият бердилар.

Ойбек 1944 йилда ўзбек халқининг улуғ мутафаккир шоири Алишер Навоий ҳақидаги романини ёзди. Ойбек бу асарни яратишда миллий-адабий традицияларни назарда тутган ҳолда, илғор рус совет адабиёти традицияларидан ўринли фойдаланади. Унинг «Навоий» романи ўзбек халқининг XV асрдаги ҳаёти манзарасини яратишга бағишланган тарихий-биографик асардир.

«Навоий» романида Ойбек феодал зулм ҳукм сурган даврда прогрессив кучлар билан реакцион кучларнинг курашини кўрсатишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Романдаги ижобий воқеий образлардан Навоий, Жомий, Мирхонд, Хондамир, Беҳзод кабилар, салбий воқеий образлардан Мажидиддин, Ҳусайн Бойқаро, Низомул-

мулк. Биноий ва бошқалар, тўқима образлар — Султонмурод, Зайниддин, Арслонқул, Дилдор, Тўғонбек образлари асарнинг бадиий тўқимасига узвий қисм бўлиб кирадилар.

Ойбек ўз романида феодализм системасидаги ички қарама-қаршиликларни бадиий образларда бутун ўткирлиги билан ифодалашга ҳаракат қилади. Навоий образи орқали халқ оммасининг оғир аҳволини енгиллаштириш, халқни зулмдан, адолатсиз ўзаро урушлардан қутқариш, марказлашган давлатни сақлаб қолиш учун курашган илғор киши берилади. Шунингдек, бу образда вайронликни эмас, ободончиликни, текинхўрлик, маишатпарастликни эмас, илм-маърифат, санъат ва адабиётни ривожлантирувчи гуманист гавдалантирилади. Навоий эндигина тахтга чиққан Ҳусайн Бойқарога: «...Ҳокимлардан тортиб то маҳалла қоровулига қадар ёлғиз давлат манфаатини ўйлайдиган, халқ билан яхши чиқишадиган, инсофли амалдорни тайин этишни ҳамиша бир қоида қилиб олмоқ» зарурлигини уқтиради. Автор Навоийга унинг учун характерли бўлмаган сифатларни тақмайди. Алишер Навоийни умуман феодализмга ва эксплуатацияга қарши курашган шахс қилибгина эмас, балки ўз даврининг фарзанди сифатида унинг тушунчасидаги камчиликларни кўрсатиб, автор тўғри қилган. Шу билан бирга, Ойбек улуғ прогрессив давлат арбоби ва маърифатпарвар Навоийни юрт ва халқ иши учун жон фидо қилиб ишлашини ҳаққоний тасвирлайди. «Ҳар нечук фалокатни даф этмоққа ғайрат қилмоқ керак... Муборак Ватаннинг, эл-улуснинг саломатлиги учун фидокорлик кўрсатмоқ вазифамиздир. Сиздан тилагим шулки, бир-биримизга, давлатга, юртга вафо, садоқат, муҳаббат билан боғланайлик. Вафо ва муҳаббат улуғ қудратдир»,— дейди Навоий подшоҳ Ҳусайн Бойқарога. Навоий сарой фитналарини, ғайри қонуний солиқларни тугатишга чақиради. Бироқ, Навоийнинг гуманистик фикрлари чекланган, хаёлий характерда эди. Навоий социал қарама-қаршиликларни чуқур тушуниб етмади, ҳамма нарса одил подшоҳ қўлида бўлса, мамлакат ишлари ақл ва илм воситаси билан олиб борилса, бу зиддиятлар йўқолади, деб ўйлади.

Алишер Навоийнинг халқпарварлиги романда унинг ўз она тили ва адабиётига бўлган муносабати воситасида ҳам акс эттирилади, у она тилини, адабий меросни жуда

ҳам севади. Она тилида чуқур мазмунли, юксак даражали бадиий асарлар яратиш мумкинлигига қаттиқ ишонади ва ўзи бошқаларга намуна бўларли асарлар ижод этади. Романда шоирнинг ҳар томонлама жамоатчилик фаолияти билан бир қаторда, ранг-баранг ижодий йўли ҳам ҳикоя қилинади: «Унинг хаёли афсоналарнинг гўзал боғларида сайр этди. Нега бу боғчаларнинг олтин дарвозалари унинг халқи учун ёпиқ? Араблардан, эронликлардан унинг халқининг қаери кам? Йўқ, у ўз халқи учун шеърнинг ўлмас гулзорларини яратиши керак»,— деган сатрларда автор гуманист, халқпарвар ва санъаткор Навоийнинг юрак ҳиссиётларини талқин этади.

Ойбек романда Навоий бошлиқ илғор кучлар (Арслонқул, Султонмурод, Зайниддин ва бошқалар) тарафидан халқ ҳаётини яхшилаш учун олиб борилган курашни кўрсатиб беради. Асарда прогрессив кучлар қаршисидаги сарой фитначилари (Мажидиддин, Тўғонбек ва бошқалар) хатти-ҳаракати турли ҳаётий деталлар тасвирида фош қилинади, уларнинг халқ душманлари эканлиги ишонарли қилиб кўрсатилади.

Асарда Арслонқул ва Дилдорнинг ишқий можаролари, солиқ йиғувчи амалдор Тўғонбек кабиларнинг деҳқонларга зулмини кўрсатиш билан Хуросон қишлоқларидаги аҳолининг оғир аҳволи қисман бўлса-да акс эттирилади. Бироқ Ойбек Арслонқул ва Дилдорнинг шаҳардаги ҳаётини тасвирлашга етарли ўрин берган бўлса-да, борган сари хароблашиб, қашшоқлашиб бораётган деҳқонлар аҳволи тасвирини тўхтатиб қўяди. Бу романнинг камчиликларидан биридир. Иккинчидан, романдаги конфликт, асосан, ҳукмрон доиралар билан халқ томонига ўтган Навоий ўртасидаги қарама-қаршиликларни очиш негизига қурилгани учун асарда антагонистик ижтимоий синфлар ўртасидаги социал-сиёсий кураш етарли ўрин олмайди.

«Навоий» романи бадиий жиҳатдан етук асардир. Роман персонажларининг тили индивидуаллаштирилган. Масалан, Навоий ва Тўғонбек тиллари бир-бирларидан кескин фарқ этади. Алишер Навоий тилидан улуғсифатли, илмли, философ ва шоирга хос характер сезилиб турса, Тўғонбек тилида қўпол, низокор ҳарбий одам ва одобсиз кишининг хулқ-атвори кўринади. Мажидиддин тилида эса, фисқу фужур билан шуғулланувчи, маккор ва очкўз одам сифати намоён бўлади.

«Навоий» романида воқеа, муҳит ва кишилар характери усталик билан тасвирланиб, бадиий картиналар яратилади. Шунингдек, асарда табиат манзаралари, эски маиший турмуш лавҳалари маҳорат билан яратилган. Асардаги бундай тасвирларнинг кўпи қаҳрамонларнинг, даставвал, бош қаҳрамон Алишер Навоийнинг ёркин образини кўрсатишга, унинг психологиясини очиб беришга хизмат этади. Бундан ташқари, ёзувчи романда турли адабий-бадиий воситаларда Алишер Навоий образини чизиб берар экан, уни ўз давридаги тарихий воқеалар фонида кўрсатишга ҳаракат қилади.

Ойбек ўз романида кишилар портретини чизишга ҳам аҳамият беради. Ёзувчи ҳар бир шахснинг портретини чизганда, унинг ташқи хусусиятини ва ички хислатларини индивидуал равишда тасвирлашга муваффақ бўлади. Лекин асар тилида баъзи нуқсонлар ҳам йўқ эмас. Автор тилида XV аср учун характерли бўлган араб, тожик ва қадимги ўзбек сўзларининг ҳаддан ташқари кўп қўлланилиши асар тилини оғирлаштириб юборган.

Шундай камчиликларга қарамай, «Навоий» романи ўзбек совет прозасининг ва бутун совет романчилигининг зўр ютуғидир. Бу асари билан Ойбек ўзбек совет адабиётида тарихий-биографик жанрга асос солди.

Уруш даврида тарихий темада яратилган иккинчи йирик асар Уйғун билан Иззат Султонов томонидан ёзилган «Алишер Навоий» драмасидир. Бу асарда ҳам улуғ гуманист, маърифатпарвар шоир Алишер Навоий образи берилади. Драмада Навоий бошлиқ прогрессив кишиларнинг мамлакат бутунлиги, ободлиги ва тинчлиги учун олиб борган кураши персонажларнинг хатти-ҳаракати, фикр-туйғусини кўрсатиш билан очила боради. Шоирлардан Жомий, Соҳибдоро, тарихчи Хондамир, рассом Беҳзод, ҳаттот Султонали, меъмор Жалолиддин ва Навоийнинг севгилиси Гули образларида замонасининг илғор кишилари гавдалантирилади. Авторлар XV аср феодал тузумининг реакцион кучларини Ҳусайн Бойқаро бошлиқ Мажидиддин, Мансур, Шайхулислом ва сарой вазирлари образлари орқали кўрсатадилар. Драманинг асосида шу икки гуруҳ ўртасидаги кураш ётади. Бу гуруҳлар орасидаги зиддият давлат ишларини бошқаришда, феодалларнинг таловчилик урушларига муносабатда, санъат, адабиёт ва ободончилик ишларига қарашда кўринади. Реакцион сарой аҳллари ўзаро урушларни

кучайтириш, сарой фитналарини авж олдириш, давлатни парчалаб юбориш, давлат бошлиғини — шоҳни бузуқликка бошлашдан ўзлари учун манфаат чиқишини яхши билганлари ҳолда ҳаракат қиладилар. Улар халқнинг ҳимоячиларини, биринчи навбатда, Навоийни пойтахт Ҳиротдан Астрободга сургун қилиш орқали элюртни яна кўпроқ талаш тадбирларини кўрадилар ва шоҳ орқали амалга оширадилар. Навоий эса халқ душманларининг бу найрангларига қарши қўлидан келганича курашади, мамлакат ичидаги зулмни, амалдорларнинг золимлигини дўсти шоҳ ёрдами билан «адолатли қонун» асосида тугатмоқчи бўлади. Аммо шоҳ халқ тарафига ўтган Навоийни эмас, ўзи суянган феодал синф вакилларини ҳимоя қилади.

Драмада иккинчи сюжет чизиғи ҳам асарнинг асосий ғояси билан чамбарчас боғлиқдир. У ҳам бўлса, Навоийнинг Гулига бўлган самимий соф муҳаббати ва бу севгига сарой фитначилари бошлиғи Мажидиддиннинг раҳна солишидир. Сарой фитнаси, шоҳ маиший бузуқлигининг қурбони бўлган Гулининг тақдири замонаси хотин-қизларининг шум тақдири учун типикдир.

Навоий ҳам давлат ишларида, ҳам шахсий ҳаётида муваффақиятсизликка учрайди ва ўзининг подшо Ҳусайндан кутган умидлари пуч эканлигига иқрор бўлади.

Шоир орзулари рўёбга чиқмагач, чуқур изтиробда қолади. Навоийнинг бу фожиаси авторлар томонидан моҳирлик билан берилади. Масалан, мамлакатни обод этиш ишлари тўхтатилгани, меъмор Жалолиддиннинг ўлдирилганлиги, Гулининг шоҳ саройига зўрлик билан олиб кетилганини эшитган Навоий ўз ғазаб-нафрати, дард-аламини шундай тўкиб солади:

...Фалак солмиш менинг қалбимга ғашлик...
Йиқил золим фалак, чархи ситамкор,
Балолар домига қилдинг гирифтор.
Йиқил устимга, эй гардун, йиқил тез,
Йиқил, бошимни янч, гавдамни бос, эз!

Драмада Навоийнинг ўз идеаллари билан тарихий воқелик орасидаги зиддиятни, орзуларининг феодализм шароитида амалга ошуви мумкин эмаслигини англай боришини кўрсатиш билан Навоий образининг такомили очила боради. Пьесанинг охирида шоир адолат, инсоф

қондаларини жорий қилиш, подшони шу йўлга бошлаш билан саройни тузатиб, зулмни тугатиб бўлмаслигини англайди. Навоий: «...мен умримга ачинмаймен, аммо сизга сарф қилган меҳнатларимнинг зое кетганига ачинамен. Мен писта пўчоғидан кема қилмоқчи бўлибмен. Мен ҳақиқат деб ўйлаган нарса сароб бўлиб чиқди. Мен мамлакатда зулм оловларини сўндириб, адолат машъалини ёқмоқчи бўлдим, аммо зулм мендан зўрлик қилди. Мен салтанатимизни мустаҳкамламоқчи бўлдим, аммо ҳаракатларим елга кетди», дейди подшоҳга тик қараб.

Драма авторлари шоирнинг халқ ишидан, унинг халқни фаровон, тинч ҳаётга эриштириш фикридан қайтмаганлигини, балки саройга ишончдан қайтганини таъкидлаб кўрсатадилар. Алишер Навоий халқ кучига ишонган, умрининг охиригача Ватанга садоқатли киши образи сифатида талқин этилади. Давлат ва жамоат арбоби, мутафаккир Навоийдаги бу оптимизм драманинг охирги — бешинчи пардасида моҳирлик билан берилган. «...Мен ҳали умидларимдан воз кечганим йўқ. Биз етолмаган умидларга келажак наслларнинг етмоғи мумкин. Қачонлардир адолат офтоби барқ уриб чиқмоғи керак. Дунёда бахт ва ҳаққоният тантана қилмоғи лозим. Одамлар орасида низо йўқолмоғи даркор. Аммо қачон? Бу савол ҳамон жавобсиз қолди. Лекин инсоният бу жумбоқни ахир ҳал қилур. Чунки унинг қўлида ҳақиқат ва адолат йўлини ёритувчи тафаккур машъали бор. Шунда кишилар мени ўзларининг ҳамкорликларига чақирурлар ва мен асрлар оша ўз шеърларим билан «лаббай» деб жавоб берурман»,— дейди улуғ шоир ва саройни тарк этиб, халқ ичига кетади.

«Алишер Навоий» драмаси ўзбек совет драматургиясидаги энг етук асарлардандир.

Ҳамид Олимжон «Муқанна» асарида VIII асрда араб босқинчиларига қарши ўзбек халқининг қаҳрамонона курашини тарихий шахс Ҳошим Ҳаким ўғли (Муқанна) ва унинг ҳамкорлари образларида кўрсатади. Муқанна халқининг араб босқинчиларига қарши миллий озодлик, мустақиллик учун мардларча курашига бошчилик қилади. Асарда Оташ, Гулойин (Муқаннанинг севгилиси), деҳқонлардан Ғирдак, Боғий каби халқ вакиллари берилади. Драмада босқинчиларининг хатти-ҳаракати, маҳаллий аҳолига зулми араб қўшини қўмондони Саидбаттол,

араб ҳарбийлари Муъоз, Зайд ва Зубайд образларида мужассамлантирилади.

Араб босқинчиларига қарши ўз озодлиги учун кўзғолон кўтарган халқ, гарчи вақтинча мағлубиятга учраган бўлса ҳам, руҳи тушмасдан курашни давом эттиради.

Халқнинг енгилмаслиги ғояси ватанпарвар Муқаннанинг қўрқоқ ҳокимга аччиқ таънасида бадиий равишда ифодаланади:

Менинг онам шу тупроқда туғилган,
Боболарим шу тупроққа қўйилган.
Шу тупроқда киндигимнинг қони бор.
Шу тупроқда авлодимнинг кони бор...
Бир минут ҳам ажралмайман элимдан,
Ўлганда ҳам чекинмайман еримдан.

Муқаннадаги бу озодликка интилиш, кучли ирода озодликни севувчи халққа хос хусусиятдир. Драманинг ғоявий-бадиий кучи, тарбиявий аҳамияти ҳам ана шундадир. Фақат шуниси борки, диний низолар билан халқнинг соф патриотик (ватанпарварлик) кураши орасидаги фарққа етарли аниқлик киргизилмагани учун «Муқанна» драмаси ижобий қаҳрамонларининг кураши баъзан кераксиз диний тус олиб қолади. Бунинг натижасида асарнинг ғоявий-бадиий қиммати бир даража пасаяди. Масалан, «Муқанна» драмасида бош қаҳрамон ва бошқа ижобий қаҳрамонлар араб истилочиларига, уларнинг реакцион идеологияси — ислом динига қатъий қарши турадилар. Бу — ҳақиқат. Лекин Ҳамид Олимжон халқ курашчиларининг озодлик, мустақиллик учун кураш ғояларини янада аниқроқ тасвирлашни асарнинг охиригача давом эттирмай, бу курашни ислом динига қарши оташпарастлар курашига айлантириб юборади. Қўзғолончилар бошлиғи Муқаннанинг душман қўлига тушмаслик учун ўзини-ўзи ўлдириш моментида (тўртинчи парда, олтинчи кўриниш) драматург Муқаннани ўтга ташлаб ҳалок қилдиртиради. Бу билан гўё ҳамма кураш оташпарастлар дини учун бўлгандек туюлади: «Бир олов ёқдимки... муқаддасдир элимнинг номуси орича ул»,— дейди Муқанна ўлим олдидаги монологида. У, давом этиб:

Оловни ёқ, волидам муҳтарам,
Оловни ёқ, ёрисин еру олам.

Бугун мен ҳам оловга қўшиламан,
Бугун мен ҳам мангулик ўт бўламан,—

дейди. Бу ҳақиқатан оташин поэтик парчада Муқанна озодлик, ватан учун жон берган қаҳрамонлар типидан кўра, ўз эътиқоди, ишонган дини (оташпарастлик, ўтга топинувчилар дини) учун қурбон бўлган шаҳидни эслатади. Бу драманинг асосий ғоявий-бадиий нуқсонидир.

Улуғ Ватан уруши йилларида она-Ватаннинг ҳар бир қарич ери учун курашаётган, фронт учун фидокорона меҳнат қилаётган совет кишиларини ватанпарварлик руҳида тарбиялашда Ойбекнинг «Маҳмуд Торобий» асари ҳам, худди «Муқанна» тарихий драмасидек, катта аҳамиятга эга. Маҳмуд Торобий етакчилигидаги халқнинг XIII асрда мўғул истилочиларига қарши мардонавор жанги, озодлик учун интилиши «Маҳмуд Торобий» либреттосининг асосий негизини ташкил этади.

«Маҳмуд Торобий» либреттосида Ойбек халқ қўзғолончиларининг образларини яратишда схематизмга йўл қўяди, асарда бош қаҳрамондан бошқа ёрқин, мукаммал ижобий образлар кўринмайди. Шундай бўлишига қарамасдан, бу тарихий асар ҳам ўз даврида маълум бир тарбиявий ролни ўйнади — гитлерчи босқинчиларга қарши ҳаёт-мамот уруши олиб бораётган ўзбек халқи қаҳрамон боболарининг озодлик учун олиб борган кураши билан фахрланишини кўрсатади, миллий ифтихор руҳида тарбияланиш ишига маълум ҳисса қўшди.

Ватан уруши даврида тарихий темада ёзилган асарлар орасида ғоявий ва бадиий жиҳатдан яна жиддийроқ нуқсонга эгалари ҳам бўлди. Масалан, М. Шайхзоданинг «Жалолиддин» пьесасида халқнинг озодлик учун курашдаги роли етарли кўрсатилмади, шаҳзода Жалолиддин Мангубердининг тарихий роли ошириб юборилди, бош қаҳрамон сиймоси идеаллаштирилди.

Улуғ Ватан уруши даврида совет халқининг яқин ўтмиши тарихига, қаҳрамонона курашига оид «Бургутнинг парвози» драмаси (Иззат Султон асари) саҳнага қўйилди (1942, октябрь). Улуғ Октябрь социалистик революциясининг доҳийси В. И. Ленининг ўзбек халқига ёрдами, Совет Армиясининг саркардаларидан, Коммунистик партия ва Совет давлати арбобларидан М. В. Фрунзенинг Туркистондаги фаолияти биринчи марта ўзбек драматургиясида «Бургутнинг парвози» пьесаси орқали тасвирланди.

Эндигина озодликка чиққан ўзбек меҳнаткашларининг гражданлар уруши йилларида ички ва ташқи душманларга, босмачиларга, интервентларга қарши кураши Умар Жўраев образида кўрсатилади. Партия ва совет аппаратларига яширинча суқилиб кириб олган синфий душман типлари Ваҳобов, Расулов ва Сатторов каби персонажлар воситасида тасвирланган. Ўзбекистон меҳнаткашлари М. В. Фрунзе ва В. В. Куйбишевлар бошчилигида синфий душманларни фош этади, босмачиликни тор-мор келтиради.

М. В. Фрунзе ва В. В. Куйбишевларнинг гражданлар уруши йилларида Совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун курашда Ўзбекистон меҳнаткашларига бошчилик қилганликларини, бу тарихий даврда партия раҳбарлигини кўрсатиш драманинг асосий ғоясидир. Бу жиҳатдан «Бургутнинг парвози» драмаси ўзбек совет драматургияси тарихида маълум аҳамиятга эгадир.

* * *

1941—1945 йилларда умумсовет адабиёти, унинг ажралмас қисми ўзбек совет адабиётининг бой тажрибаси шуни кўрсатадики, бадиий адабиёт халқнинг улуғвор курашига катта ёрдам беради.

Адабиётнинг кучи унинг юксак ғоявийлиги, ҳаққонийлигида, халқ ҳаёти ва кураши билан маҳкам алоқасида, унинг юксак ватанпарварлиги ва халқпарварлигидадир. Буни уруш даври совет адабиёти мисолида яққол кўриш мумкин. Бадиий адабиёт Ватан учун умумхалқ курашининг бир соҳаси бўлиб майдонга чиқди ва халқ ҳаётида зўр ижобий роль ўйнади. Адабиётда социалистик Ватан учун жонини фидо қилиб курашган миллионлаб қаҳрамонларнинг умумлашма образлари яратилди. Айрим шахснинг кураши ва шуҳратида бутун жамият кураши умумлаштирилиб тасвирланди. Замона кишиларининг қаҳрамонлигини юксак руҳли характерлар орқали ёрқин тасвирлашга интилиш бу давр адабиётининг муҳим хусусиятларидандир. Бунинг учун санъаткорлар, шу жумладан, ўзбек ёзувчилари ҳамма бадиий воситалардан фойдаланиб, совет халқи, унинг жангчилари образини яратганда, улуғвор, тантанали адабий нутққа ва фольклор манбаларига ҳам мурожаат қилдилар.

Адабиётдаги бу тенденция табиий ва қонуний. Бу ҳар бир халқдаги миллий фахрни, қаҳрамонлик традицияларини бериш учун зарур эди. Тўғри, бунда ҳам баъзи ёзувчилар суиистеъмолга йўл қўйдилар, (масалан, «алпомишлар», «гўрўғлилар» ва «Гирот», «олмос қилич»ларни бадиий тасвирларда кўп қўллаш билан образ яратишга уриниш), айрим ёзувчиларнинг қуруқ риторикага берилган пайтлари ҳам бўлди. Лекин булар айрим ҳоллар бўлиб, ўзбек совет адабиётининг умумий йўналишини белгиламайди.

Улуғ Ватан уруши даврида ўзбек адабиётининг ривожи тўғри йўлдан борди ва адабиёт Ватан манфаатлари учун зўр идеологик қурол сифатида хизмат қилди. Бу совет сўз санъаткорларининг катта хизматидир. Ўзбек совет ёзувчилари ўзларининг етук асарларида фронт ва мамлакат ичкарисидаги аҳолининг кураши, меҳнат пафосини бадиий равишда ифодалаш билан бутун халқни ғалабага илҳомлантириш, ватанпарварлик, қаҳрамонлик руҳида тарбиялаш ишига катта ҳисса қўшдилар. Ўзбек совет адабиёти уруш йилларида ҳам худди аввалги даврдагидек, СССР халқларининг ажралмас дўстлигини, пролетар интернационализми ғояларини ёрқин образларда акс эттириб берувчилик вазифасини ўтади, коммунизм ғояларини социалистик реализм методи асосида бадиий равишда ифодалади.

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг раҳбарлиги ва доимий ғамхўрлиги туфайли Улуғ Ватан урушининг энг қийин вазиятида ҳам совет санъаткорларига катта имкониятлар яратиб берилди. Бу зўр ғамхўрлик оқибатида совет адабиётининг ҳамма жанрларида катта-катта бадиий асарлар вужудга келди. Бу асарларнинг энг яхшилари Давлат мукофотига сазовор бўлди. Ўзбек шоири Ғафур Ғулом «Мен Шарқдан келаётирман» шеърлар тўплами, Ойбек «Навоий» романи учун шундай мукофотлар олдилар. Бу ўзбек совет адабиётининг янги, юқори погонага кўтарилгани аломатидир. 1943 йилда ташкил этилган Ўзбекистон ССР Фанлар академиясига Ойбек ва Ғафур Ғуломнинг ҳақиқий аъзо, шоир Ҳамид Олимжон ва адабиётшунос Олим Шарафиддиновнинг корреспондент аъзо бўлиб сайланишлари ҳам ўзбек совет адабиётининг ҳар тарафлама камолга етишганлигининг далилидир.

Ўзбек совет адабиёти 1941—1945 йиллар мобайнида

Бутуниттифоқ майдонида яна ҳам кенгроқ кўламда кўринди. Шу билан бирга, бу адабиёт намуналари бутун жаҳон халқларига ҳам аста-секин танила борди. Ойбек, Ғафур Ғулом ва Ҳамид Олимжон каби атоқли ўзбек санъаткорларининг асарлари Совет Иттифоқи халқлари тилларида ва чет эл тилларида (француз ва инглиз тилларида) босилди. Ўзбек совет адабиётининг СССР ва бутун дунё халқлари ўртасида танила боришига улуғ рус совет ёзувчилари, таржимонлари оғаларча ёрдам қилдилар. Ўзбек ёзувчиларининг асарлари улуғ рус тили орқали Совет Иттифоқи халқлари тилига ва жаҳондаги халқларнинг тилларига таржима қилинди.

Ўзбек совет адабиётининг энг яхши асарлари Улуғ Ватан уруши фронтлари бўйлаб тарқалди, окопдан-окопга, бир жангчининг қўлидан иккинчисининг қўлига ўтди, совет солдат ва офицерларини ғалабага отлантирди. Фронт жангчиларидан ўзбек ёзувчиларига келган юзлаб жавоб хатлар бунинг гувоҳидир.

Улуғ Ватан уруши даври ўзбек адабиётида совет халқининг гитлерчи босқинчилар ва япон империалистлари устидан қозонган улуғ ғалабаси зўр пафос билан куйланди.

Улуғ Ватан уруши даврида ўзбек совет адабиёти ижтимоий ролининг кўп даража ортгани, адабиёт олдида турган мураккаб вазифаларнинг муваффақиятли бажарилгани, адабиётда ғоявий ва бадиий жиҳатдан янги, етук асарлар майдонга келгани ўзбек совет адабиётининг бу даврда социалистик реализм позициясида яна ҳам мустаҳкамланганини кўрсатади.